Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 177 (20. 145) • 1988 йил 4 август • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Пахтакор ўртоқлар!

● ҚАРДОШ ОЗАРБАЙЖОНЛИК, ТОЖИКИСТОНЛИК ВА ТУРКМАНИСТОНЛИК МУСОБАҚАДОШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК.

● ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЕТГАН КАМЧИЛИКЛАРГА ЗУДЛИК БИЛАН БАРҲАМ БЕРИЛСИН.

● БУТУН КУЧ-ҒАЙРАТ БУ ЙИЛГИ ПАХТАМИЗ ТЕЗРОҚ, СОЗРОҚ ОЧИЛИШИГА ВА ТЕРИМ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ЭРТАРОҚ БОШЛАНИШИГА ҚАРАТИЛИШИ КЕРАК.

● ДАЛА ИШЛАРИГА СУРЪАТ ВА СИФАТ.

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ—АМАЛИЙ ИШ ПРОГРАММАСИ

ҚОНУН ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

«Мамлакатда яқин йилларда жамият турмушининг барча соҳаларида қонуннинг устунлигини таъминлаш, халқ ҳокимиятини ривожлантириш асосида социалистик ҳуқуқ-тартиботни сақлаш механизмини кучайтириши лозим бўлган кенг миқёсдаги ҳуқуқий ислоҳотни ўтказиш керак», — дейилади КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюцияларида.

Шубҳасиз, кейинги вақтда совет кишиларининг қонуний ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятига ошкоралик руҳи сингиб бормоқда, улар демократлаштириш талабларига тобора кўпроқ риоя этадиган бўлиб қолдилар. Ўша 1985 йил апрель кунларидан сўнг қайта қуришнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга бўлган эътибор кенг кўлам касб этиб бормоқда.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида ушбу фактлар ҳақли равишда таъкидланиши билан бирга бу соҳада узоқ муддат рўй бериб келган ҳуқуқий тартибнинг қолоқлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Бу аввало, ҳозирча раҳбарликнинг демократик, иқтисодий методларга эмас, балки жуда кўп тақиқлар ва майда-чуйда тартибга солишларга асосланган буйруқбозлик, маъмурий методларга асосланганлигидир. Шу сабабли ҳам амалда бўлган кўпгина ҳуқуқий низомлар ижтимоий тараққиётга тўғаноқ бўлиб қолди. Шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида давлат ҳаётида ленинча принциплардан чекинишлар, уюшган жиноятчилик, порахўрлик ва бошқа салбий ҳолатларни юзага келтирди. Айбсиз кишиларни жиноий жавобгарликка тортиш фактлари рўй бера бошлади.

Бу нарса республикамизда фош этилган, кўплаб жиноятчилик ҳаракатлари мисолида ҳам очиқ-равшан бўлиб турибди. Пахта тайёрлаш ва уни буюртмачиларга етказиб бериш жараёнида юз берган қонунсизликлар, мансабдор кишиларнинг айримлари порахўрлик билан шуғулланиб келганлиги ҳақида ҳам ана шу камчиликларсиз фикр юритиб бўлмайди. Хўжалик, партия, совет аппаратининг юқори бўғинларида ҳеч кимга, ҳеч қандай назоратга бўйсунмайдиган, ҳатто қонунларни ҳам бемалол четлаб ўта оладиган алоҳида имтиёзли кишилар пайдо бўлди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «Ҳуқуқий ислоҳот тўғрисида»ги резолюциясида қайта қуриш мобайнида хусусан қонун чиқарувчилик фаолиятининг ўзини яхшилаш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланиб ўтилди. Бу жараён ошкоралик, билимдонлик билан, илмий баҳо бериш ҳамда қонун пойқаламини кенг жамоатчилик, бутун халқ иштирокида муҳокама қилиш асосида кетиши лозим. «Қонунларни тубдан қайта кўриб чиқиш, кодекслаштириш ва системага солиш ҳуқуқий ислоҳотнинг ажралмас қисми бўлиши керак, — дейилади конференция резолюциясида. — Шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга биринчи даражали эътибор бериш, совет кишиларининг сиёсий, иқтисодий, социал ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширилишининг кафолатларини мустаҳкамлаш зарур».

Конференция делегатларининг муайян қисми совет жамиятини ижчил демократлаштириш жараёни социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан тугалланиши лозим деган қонуний фикрга алоҳида қизиқиш билан ёндашдилар. Лўнда қилиб айтиладиган бўлса, гап қонуннинг устунлигини амалда таъминлаш ҳақида кетмоқда. Социалистик ҳуқуқий давлат тушунчаси кенг, яхлит тушунчадир. Бу ўринда гап биронта ҳам давлат органи, биронта ҳам мансабдор шахс, коллектив, партия ёки жамоат ташкилоти биронта ҳам киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос этилмаслиги ҳақида кетмоқда. Ҳар бир совет гражданн ўз умумхалқ давлати олдида масъул бўлгани сингари давлат ҳокимияти ҳам гражданлар олдида масъулдир. Гражданларнинг ҳуқуқларн қонимият ва унинг вакилларининг ҳар қандай ўзбошимчалигидан ҳимоя этилишига кафолат бериш ҳам лозим.

Ҳўш бунинг учун қайси масалаларга эътиборни кўпроқ қаратиш керак. Ҳуқуқ-тартибот органлари ишини ташкил этишда нималарга кўпроқ эътибор бериш лозим бўлади. Бутуниттифоқ партия конференциясида ана шу саволларга жавоб берилади.

Социалистик демократия системасида суднинг ролини ошириш қайта қуришнинг муҳим вазифаларидандир .Совет судлов ишида мусобақалашув, ошкоралик, айбсизлик эҳтимоллигига оғишмай риоя этиш талаб этилади. Шунингдек, совет қонунига қасд қилганларга нисбатан кўнгилчанликка ҳам йўл қўймаслик каби негизларни амалга ошириш кафолатини анча мустаҳкамлаш керак. Судьялар ваколатларини анча узоқроқ муддатга белгилаб қўйиш, одил судловнинг холислигини, халқ маслаҳатчиларининг ролн ва масъулиятини ошириш учун энг мураккаб ишлар судда кўрилаётганда уларнинг сафини кўпайтириш қатъий қилиб қўйилди. Конференция резолюциясида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг мустақиллигини кучайтириш зарурлиги таъкидлаб кўрсатилди.

Кейинги вақтда прокуратура органлари фаолияти ҳақида кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Сўнгги йигирма йил мобайнида прокуратура зиммасига жуда кўп қўшимча вазифалар юкландики, бу қонунга риоя этиш юзасидан қилинадиган назоратнинг суслашувига олиб келди. Бу борада сўзсиз ленинча фикрга қайтиш ва совет қонунларига ҳамма жойда аниқ тушунилган ва қўлланилган ҳолда риоя этилиши назоратини кучайтириш бугунги кун талабидир.

Милиция ишини кучайтириш йўлида қадамлар қўйилди. Сўнгги йилларда кўплаб коммунист ва комсомоллар унинг сафларига ўтиб ишлашмоқда. Аммо унинг социалистик қонунга риоя этиши, меҳнат коллективлари ва аҳоли билан алоқани янада мустаҳкамлаш актуаллигича турибди. Милиция ишида жиддий нуқсонларга ва суиистеъмолларга йўл қўйилаётганлиги билан келишиш мумкин эмас. Конференцияда жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органларининг имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш масаласига эътибор қаратилди. Шу мақсадда жиноий ишларнинг асосий кўпчилигини текширишни Ички ишлар министрлигининг тергов аппаратида марказлаштириб, уни республика ва маҳаллий ички ишлар органларига бўйсунмайдиган мустақил структурага ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Бутун мамлакатимиз каби республикамиз экономикасида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, хўжалик ҳисобини жорий этиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш ана шулар жумласидандир. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик коллективлари, корхоналар ва кооперативлар олдида ҳам ҳуқуқий проблемалар кўндаланг бўлиб қолмоқда. Резолюцияда давлат арбитражининг ваколатларини кенгайтириш, юстиция органларининг ролини анча ошириш, халқ депутатлари Советларида, министрлик ва идораларда хўжалик ва ташкилотларда юридик хизматни мустаҳкамлаш ҳақида гап борадики, бу ана шу масаланн ҳал қилиш кун тартибига қўйилаётганлигидан далолат бериб турибди. Меҳнат коллективларига юридик ёрдам кўрсатадиган ўзини-ўзи идора қилувчи уюшма-адвокатуранинг ролини ошириш масаласи қатъий қилиб қўйилмоқда. Бу тадбир гражданларнинг ҳуқуқларн ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасидир.

Партия конференцияси белгилаб берган ҳуқуқий ислоҳот программасини амалга ошириш албатта бир-икки кунлик ёки бир зарб билан бажариладиган иш эмас. Ҳуқуқий билимларни пропаганда қилиш, кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш йўлида тинмай изланиш лозим бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари бу йўлда дастлабки қадамларни қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар корхона ишчилари ва дала меҳнатчилари билан учрашувларга чиқадиган бўлиб қолдилар. Матбуот, радио ва телевидение да кишиларнн ҳуқуқий билимлар билан таништиришга онд учрашув, суҳбатлар ва чиқишлар уюштирилмоқда. Юстиция, суд, прокуратура ходимлари ўтказаётган матбуот конференцияларига қизиқиш билан қаралмоқда.

Бироқ бу илк қадамлардир, холос. Йил сайин ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларидан ўнлаб киши хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун тегишлича жазоланмоқда. Тергов ва суд ишларини қайта кўриб чиқиш, гоҳо ҳалол, покиза кишиларни жазолаш фактларн ҳам учраб турибдики, бундай ҳол билан келишиш асло мумкин эмас. Редакцияга келаётган хат-хабарлар оқими ҳуқуқ-тартибот органлари қўйи бўғинмаларининг муайян қисмида ўз фаолиятини қайта қуриш йўлида ҳаракат сустлиги, кишиларнинг тақдирига эътиборсизлик, ариза ва мурожаатларга лоқайд муносабатда бўлиш, ўзини «ҳокими мутлақ» ҳис этиш ҳоллари рўй бераётганидан далолат бермоқда. Кўриниб турибдики, жамиятнинг эҳтиёжи меҳнаткашларнинг манфаати, уларнинг ташкилотлари ҳамда коллективларига ҳиссат қиладиган янги қонунлар комплексини яратиш билан бирга унинг ижрочи кадрларини тайёрлаш билан ҳам жиддий шуғулланиш лозим. Шу мақсадда олий малакали ходимларни тайёрлашни қайта тузиш, уларнинг тажрибадан ажралиб қолишини тугатиш, хўжалик ислоҳотини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда билимдонликни ошириш лозим. Шунинг учун, деб кўрсатилди конференцияда, юридик умумий таълимни мактабдан бошлаш, уни техникумлар ва олий ўқув юртларида, иш жойларида давом эттирнш керак.

Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳуқуқ ислоҳотни амалга оширнш йўл-йўриқларн ва программасини кўрсатиб берди. Уни изчил, собитқадамлик билан амалга оширишни таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир.

«Ҳосил-88»: «Дала—редакция» телефон линиясида



ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ—ТАЖРИБА МАКТАБИ

«Совет Ўзбекистони» мухбирлари хабар қиладилар

● ҚАРШИ

МЕҲМОНЛАР МАМНУН

Озарбайжонлик мусобақадошлар қўриқ Қашқадарё области пахта далаларида, чорва фермаларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирмоқдалар.

Бу йил воҳа меҳнаткашлари 521 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун кураш олиб боришяпти. Улар ўз мусобақадошларини дастлаб Нишон районидаги У. Юсупов номли совхоз-техникумнинг Х. Иноқов бошлиқ бригадаси далаларида кутиб олишди. Меҳмонлар бригада пайкалларида меҳр билан парвариш қилинаётган «Термиз — 14» навли ғўза ниҳоллари баравж, серҳосил ўсаётганидан мамнун бўлишди.

— Бу йил мавжуд 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ингичка толали пахта етиштирамиз, — деди улар билан суҳбатда бригада етакчиси. — Муҳим агротехник тадбир чеканкани барвақт сифатли тугатдик. Ҳозир пайкалларни учинчи бор қондириб суғоряпмиз.

Мусобақадошлар ўша куни совхоз-техникум ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишдилар. Хўжаликнинг социал иқтисодий ривожлантириш режаларини, посёлкаларни, чорвачилик фермаларини кўздан кечирдилар. Бу йил 3200 гектар ердан 6400 тонна пахта етиштиришга аҳд қилган совхоз саршунослари ҳосилни техника ёрдамида йиғиб-териб олиш учун терим машиналарини мавсумга барвақт шайлаб қўйганларидан хурсанд бўлишди.

Меҳмонлар райондаги С. Альенде номли, Ч. Бегимқулов номли, «Коммунист» совхозлари, Қарши районидаги «Коммунизм» колхози, Ғузор, Қамаши, Яккабоғ районларидаги қатор колхоз ва совхозларда ҳам бўлишди. Илғор тажрибаларни ўрганиш билан бирга ҳамкасбларига қимматли маслаҳатлар беришди. Август ойи — деҳқонлар учун ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи эканлигини унутмаслик зарурлигини таъкидлашди. Айрим коллективларда ғўза парваришидаги қолоқлик, суғориш ва ишлов беришдаги узилишларга чек қўйиш, бегона ўтларни йўқотиш, чорва фермаларида маҳсулдорликни ошириш юзасидан маслаҳатлашиб олдилар.

● ЖИЗЗАХ

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ

— Жиззах чўли хўжаликлари фаолиятини қайта қуриш борасида олиб борилаётган ишлар бизни ҳайратга солди, — деди Тожикистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Турсунзода районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи А. Тўхтаева. — Деҳқонлар республика пахтачилигида йўл қўйилган салбий ҳолатларни тугатишда пудрат усулининг нақадар афзаллигини сезган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Самарали меҳнат натижаси барқ уриб ривожланаётган ғўзалар тимсолида намоён бўлиб турибди.

Тожикистонлик ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон», Собир Раҳимов номли совхозлар далаларида олиб борилаётган ишларнинг айниқса, мамнун бўлишди. Жорий йилда 3171 гектар майдонга чигит ташлаган С. Раҳимов номли совхоз пахтакорлари ҳозиргача ҳар туп ғўзада ўртача 5-6 тадан кўсак тўплашга эришдилар. Сайдулла Алимов, Ҳабиб Жуманов, Карим Ражабовлар етакчилик қилаётган бригадаларда ғўза чеканкаси сифатли ўтказилмоқда.

Мусобақадошлар хўжалик чорвачилиги билан ҳам қизиқишди. Улар совхознинг Эшпўлат Бобоназаров раҳбарлик қилаётган бедачилик бригадасида экин парвариши сифатли йўлга қўйилганлигини таъкидладилар. «Уч қаҳрамон» совхозининг Ф. Назарқосимов, В. Карабалаев сардор бўлган бригадаларда ғўзаларнинг серҳосиллигини кўрган меҳмонлар чеканкани ҳам юқоридан, ҳам ён томонидан ўтказилаётганлиги натижаси деб баҳолашди ва бу тажрибани ўзларида ҳам қўллаш ниятида эканликларини таъкидладилар.

Хўжаликларда терим техникасини мавсумга ҳозирлаш ишлари мусобақадошлар эътиборидан четда қолмади. Аммо улар райондаги Ф. Хўжаев номли, Ҳамза номли совхозлардаги айрим карталарнинг ўт босганлигини кўриб ранжишди. Мазкур хўжаликларда сувдан қолган ғўзалар бор. Бунинг устига чеканка кечиктириб юбориляпти.

— Агар нуқсонларнинг олди олинмаса, давлат плани барбод бўлиши мумкин. Чунки ҳосил тақдири деҳқоннинг шу кунлардаги фаолиятига боғлиқ, — таъкидлашди мусобақадошлар.

● ТОШКЕНТ

ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ҲАЛИ ЭРТА

— Уч кундирки, қардош туркманистонлик пахта усталарининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Тошкент области далаларида бўлиб, мусобақадошларининг ишлари билан танишмоқдалар.

Қўшни республика вакилларини кўпгина масалалар қизиқтирди. Улар пахтанинг ҳосилдорлиги, айниқса, янги яратилган навларнинг ривожи, суғоришнинг ташкил этилиши ва ғўза парвариши қандай олиб борилаётганлигини синчиклаб ўргандилар.

Ашхобод область ижроия комитетининг раиси О. Аннамуҳамедов, Ашхабод областидаги «Теджен» совхози директори Н. Ашуров, Тўқиз Ашхобод комиссари номли совхоз директори А. Бобоев, Чоржўй областидаги К. Маркс номли колхоз бош инженери Д. Холмуродов, шу областдаги В. И. Чапаев номли колхоз раиси Т. Мамедов Янгийўл шаҳри хўжаликлари деҳқонлари ҳузурида бўлишиб, тажриба алмашдилар.

Меҳмонлар айниқса, «Коммунизм» колхозининг Р. Жалолов етакчилик қилаётган бригадаси далаларида бўлишиб, ғўза ривожини кўриб қувонишди. Бу ерда пайкалларга сифатли ишлов берилганлиги, вақтида қондириб суғорилганлиги, далалар бегона ўтлардан тозаланган туфайли мўл ҳосилга замин яратилмоқда. Бригаданинг ҳар туп ғўзасида 7-8 тадан тўқ кўсак борлигини, пайкаллардаги ниҳоллар машинабоп қилиб ўстирилаётганлигини кўриб, мусобақадошлар хурсанд бўлишди.

Мусобақадошлар М. И. Калинин номли колхозда бўлганларида ҳам қилинаётган ишларнинг сифатини эътироф этишди. Айни пайтда бу ерда инсон омилини кучайтириш ва уларга ғамхўрлик қилиш борасидаги амалий тадбирлардан мамнун бўлишди. Шу билан бирга дала шийпонларининг безатилиши, меҳнаткашларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига имкон берувчи баъзи ташкилий ишларда йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маслаҳат бердилар.

Меҳмонлар областнинг қўпгина хўжаликларида ғўзанинг ривожи яхши эканлигини таъкидлашди. Лекин хотиржамликка ўрта эканлигини ҳам айтишди. Айни пайтда айрим жойларда ҳосил учун кураш суръати ҳали анча паст. Баъзи жойларда чеканка пайсалга солинаяпти.

Суратда: (чапдан ўнгга) Ашхобод областидаги «Теджен» совхози директори Н. Аширов, Тўқиз Ашхобод комиссари номли совхоз директори А. Бобоев, Янгийўл шаҳридаги «Коммунизм» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Р. Жалолов, Ашхобод область ижроия комитетининг раиси О. Аннамуҳамедов ва Чоржўй областидаги К. Маркс номли колхоз бош инженери Д. Холмуродов «Коммунизм» колхози далаларида.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг делегацияси Боливияда

ЛА-ПАС, 3 август. (ТАСС). Боливия президенти Виктор Пас Эстенссоро СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев бошчилик қилаётган ва ҳозир бу ерга келган СССР Олий Совети делегациясини қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида В. Пас Эстенссоро тинчлик, қуролсизланиш, регионал можароларни бартараф этиш каби муҳим халқаро муаммолар юзасидан икки мамлакат позицияларининг ўхшашлигини мамнуният билан таъкидлади. Президент Совет ҳукуматининг барқарор тинчликни таъминлаш ва 2000 йилгача барча ядро аслаҳахоналарини тугатиш йўлидаги куч-ғайратларига юксак баҳо берди.

В. Пас Эстенссоро икки томонлама муносабатларни. Совет ва Боливия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни ёқлаб гапирди. Совет делегациясининг бошлиғи Боливия президентига СССР Олий Совети Президиумининг мактубини ҳамда Боливия миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан табрикнома топширди. У В. Пас Эстенссорога СССР да амалга оширилаётган қайта қуриш ва демократиялаш жараёнлари, совет ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлаб берди.

ТЕРИМГА ШАЙ

Фарғонадаги А. Ниёзов номли совхоз механизаторлари машина теримига шай бўлиб турибдилар. Улар ўз кучлари билан хўжалик устахоналарида 20 та пахта териш машинасининг ҳаммасини ремонтдан чиқардилар.

Совхоз мутахассислари ремонт ишлари сифатига яхши баҳо беришди. Устахона мудири Раҳмон Болтабоев раҳбарлигидаги ёш ремонтчи-слесарлардан Муҳамадали Умаров, Бахтиёр Эмиров, Миродил Тошматов ва бошқалар терим агрегатларини тиклашда жонбозлик кўрсатиб, сидқидилдан меҳнат қилдилар. Совхоз пахтакорлари бу мавсумда ҳосилнинг ярмини машиналар билан териб олиш ниятидалар.

(ЎзТАГ мухбири). Фарғона области

● МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ҒОЛИБЛАР ИБРАТИ

● — Йилнинг ўтган даврида 5 километрга яқин йўл капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди, — дейди Фарғона область Ўзбекистон район йўл қурилиши участкаси бошлиғи Одилжон Отажонов. — Қайта қуриш талаблари асосида ишлаш туфайли иш суръати тезлашди.

Дарҳақиқат йўлчилар баланд руҳ билан меҳнат қилиб, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига амалий иш билан жавоб бериш чораларини кўрмоқдалар. Экскаваторчи М. Ботиров иш суръатини оширишда ҳамкасбларига ибрат кўрсатяпти. С. Зокиров, А. Мирзақулов мастерлик қилаётган коллективлар смена нормаларини 1,5—2 ҳисса адо этмоқдалар.

Э. ДУСМАТОВ.

ВАРАХША ЧИРОЙИ

● Кейинги пайтда Варахша массиви обод бўлиб, чирой очяпти. Бу ерда Ромитан районидаги «Партия XXVI съезди» совхози чўлқуварларига янги 5 та уй қуриб берилди. Уйлар қишлоқ аҳолиси эҳтиёжи асосида тикланмоқда. Ҳовлида тандирли ошхона, айвон бор. Алоҳида молхоналар ҳам мавжуд. Керамзит бетондан тикланаётган уйлар ёзда салқин, қишда иссиқ бўлади.

Бухоро область «Агропромстрой» бирлашмаси 1-трестининг Ромитандаги 190-қурилиш колоннаси бундай ҳовлили уйлардан яна 5 тасини шу кварталда фойдаланишга топширади. Бетон қуювчи Х. Нарзуллаев, П. Соҳибов, ғишт терувчи Б. Шарипов, сувоқчи Ш. Неъматов ва бошқалар қурилиш ишларини сифатли бажаришда ғайрат кўрсатяптилар.

У. ФАТУЛЛАЕВ, прораб.

ЧИҚИНДИДАН БУЮМ

● Андижондаги «Коммунар» заводида кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, бир йилнинг ўзида 56 минг сўм соф фойда кўрилди. Буюмларнинг кўпгина қисми металл чиқиндилардан тайёрланмоқда. Ошпичоқ, андава, турли металл курсилар, панжаралар сифати харидорларга манзур бўлмоқда.

Корхонада яна уч турдаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Корхонада олинган фойданинг бир қисми кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш участкасини реконструкциялашга сарфланади. Шу тариқа беш йиллик охирига бориб, халқ эҳтиёжи учун буюмлар ишлаб чиқариш 40 процент кўпаяди.

К. НИШОНОВ.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ТУФАЙЛИ

● Қўқон пойабзал фабрикаси коллективи чиқитсиз технология асосида ишлашга ўтди. Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш усули пойабзалчиларга меҳнат унумдорлигини кескин оширишга, хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланишга ёрдам берди.

Аввалари бригада ишида сийқа «ялпи» кўрсаткич асосий кўрсаткич ҳисобланарди. Пойабзалчилар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар харидорга маъқул бўладими йўқми, бу уларни қизиқтирмасди. Энди пировард натижага қараб ҳақ тўланмоқда, шартномавий мажбуриятларни бажариш ва маҳсулот турлари асосий мезон бўлиб қолди.

Фабрикада ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш, шахсий иқтисод счетлари очилиши муҳим қадам бўлди. Натижада корхона коллективи пландан ташқари 300 минг сўм фойда олди. Бу пул моддий рағбатлантириш фондига, корхонани техникавий қайта қуроллантиришга сарфланади.

ИЖАРА ПУДРАТИ САМАРАСИ

● Янгибозордаги «Ленинград» колхози фермасида бир қарашда ғалати вазият вужудга келгандек эди: бу ерда моллари боқишга кетадиган сарф-харажатлар икки марта қисқарган бўлишига қарамай моллар аввалгидан анча семира бошлаган эди. Бунинг сабаби жуда оддий — фермани тажрибали зоотехник Раҳимбой Хайитбоев бошчилигида 17 киши ижарага олган ва ана шундай самарага эришган эдилар. Ҳозир бу ерда моллар колхоздаги ўртача кўрсаткичдан бир ярим баравар кўп семирмоқда, гўштнинг таннархи анча камайди, фермада ишлаётган ҳар бир ходимнинг ойлик маоши эса сезиларли даражада ошди.

300 бошдан ортиқ қорамол, 120 гектардан кўпроқ озуқа майдонлари ва техника ижарачилар ихтиёрига берилган.

(ЎзТАГ).

• *Қайта қуриш: коммунист позицияси*

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ишлаб турган даврни ҳақли равишда бутун жаҳоннинг эътиборини ўзига тортган ва ҳаяжонлантирган тўрт кун деб аташди. Конференцияда иштирок этган коммунистлар учун эса бу кунлар яна ҳам ҳаяжонли, сермазмун воқеаларга бой ўтди. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладида баён қилинган фикрлар ҳақида мулоҳаза юритар эканман, беихтиёр қайноқ офтоб тиғида пайкалларда меҳнат қилаётган пахтакорлар ҳақида, уларнинг кундалик ташвишлари, фикр-мулоҳазалари, режалари ҳақида ўйлаб кетдим. Конференцияда бошқа республикалар деҳқонларининг вакиллари ҳам сўзга чиқиб, бу соҳадаги ҳозирги аҳвол ва муаммолар ҳақида батафсил гапирдилар. Мен ҳам деҳқон ва оддий коммунист сифатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларини ўйлантираётган муаммолар, олдимизда турган вазифалар ҳақида делегат сифатида конференция минбаридан туриб ўртоқлашишни режалаштирган эдим. Сўз сўраб ёзилганлар рўйхатида мен ҳам бор эдим. Бироқ афсуски, вақт етишмаганлиги сабабли сўзга чиқиш насиб этмади.

М. С. Горбачевнинг докладида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам турғунлик ҳолатлари ҳамон сақланиб қолаётганлиги танқид қилинди. Дарҳақиқат, тупроғимиз, қуёшимиз саховатли, деҳқонларимиз меҳнатсевар бўлатуриб нима учун ишларимиз ҳамиша ҳам кўнгилдагидек кетмаяпти?

Менимча, бунинг туб илдизларидан бири қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш суст бораётганлиги, иш юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик методи ҳамон устунлик қилаётганлигидадир. Колхоз раиси сифатида яхши биламан, колхозчига юқори ташкилотлардан туриб қандай ишлашни ўргатадиганларнинг саноғи йўқ. Ҳа, ўргатадиган кўп. Бироқ тайёр маҳсулотни реализация қилиш, хўжаликларни моддий-техника ресурслари билан тўлиқ таъминлаш, харид нархларини белгилаш масалаларида амалий ёрдам кўрсатадиган ташкилот кам. Масалан, агросаноат комитети аппаратини олайлик. Улар долзарб масалаларни оператив тарзда ҳал этолмайдилар. Қарангки, областдаги партия комитетлари аппаратларида ҳаммаси бўлиб 417 ходим ишласа, область агросаноат комитети идораларида эса 873 нафар ходим бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам далаларда қанча ҳосил етиштирилганидан қатъи назар белгиланган маошни олаверадилар. Кўп ходимларнинг куни эса деҳқон ишини текшириш, турли кўрсатмалар бериш билан ўтади. Менимча агросаноат бирлашмалари аппаратларини кескин қисқартириш, уларнинг даромадини хўжаликларнинг даромадлари билан узвий боғлаб қўйиш керак. Мутахассисларнинг кўмаги амалий ва самарали бўлмаса даромаднинг бир қисмидан маҳрум этилишлари лозим. КПСС Марказий Комитети июль Пленумида РАПОлар ўрнига ихтиёрий равишда колхоз ва совхозларнинг қўшма бошқарув органини тузиш вазифаси илгари сурилгани айни муддао бўлди. Чунки агросаноат комплексини бошқарувнинг ҳозирги системаси талабга жавоб бермаяпти. Уни энди қайта ташкил этиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархларини ошириш ҳақида конференцияда қилинган таклифларга тўлиқ қўшиламан. Чиндан ҳам маҳсулот таннархи ва харид нархи орасидаги фарқ катта. Ўзбекистон Компартияси делегациясининг конференцияда пахтанинг харид нархини ошириш тўғрисида киритган таклифи ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гап бўлди. Чорвачилик маҳсулотлари, мева, сабзавот ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Масалан, бизнинг хўжалигимиз ҳозир ўрик, шафтоли, узум ва бошқа маҳсулотларни давлатга бозор нархига нисбатан 5-10 баравар арзон сотяпти. Ҳозирги пайтда техника ва ўғитнинг нархи ошган, келаси йилдан сувга ҳам ҳақ тўлай бошлаймиз. Демак, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш яна ҳам қимматлашиши табиий ҳол. Бу эса давлат агросаноат комитетидаги мутахассисларни ўйлантириши лозим.

Яна бир муаммо ҳақида. Маълумки, Ўзбекистонда пахта монокультураси туфайли чорва маҳсулотлари, мева, сабзавот етиштириш камайиб кетди. Бунинг асосий сабаби — бизда ем-хашак экинлари ўрнини асосан пахта эгаллади. Тўғри, кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ижобий ўзгаришлар қилинди, Бироқ аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда эса кескин ўзгариш бўлгани йўқ. Ўзбекистон, айниқса бизнинг Фарғона областимизда серўт яйловлар деярли йўқ ҳисобида. Ҳар йили колхоз ва совхозлар қўйларини юзлаб километр олисдаги Олой тоғлари, Чотқолга олиб боришга мажбурлар. Ем-хашак масаласи ҳам жуда тиғиз. Қизиғи шундаки, мана шундай шароитда Ўзбекистонда ёғ-мой комбинатларида ишлаб чиқариладиган шелуха ва кунжарани асосий қисми республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилади. Агар ана шу тўйимли чорва озуқаларининг бир қисми ўзимизда қолдирилса, қўшимча 25-30 минг тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони тўғиларди. Менимча иттифоқ органлари олдига мана шу масалани кескин қўйиш пайти келди.

Қулай иқлим шароитларига эга бўлган серқуёш республикамиз аҳолиси мевачевани худди шимол бозорларидаги каби нархларда сотиб олаётгани билан келишиб бўладими? Боғлар, ўзумзорлар, сабзавот-полиз экинлари майдонларини кенгайтиришимиз зарур. Лекин бунда бошқа майдонларни кескин қисқартириш ҳисобига эмас, балки пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш эвазига эришишимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳозир ҳамма ерда партиямиз конференцияси қарорларини амалга оширишга қизғин киришилди. Шундай экан, вужудга келган муаммоларни, жумладан мен юқорида қайд этган муаммоларни ҳал этишнинг пайти келди. Зеро, конференциядан сўнг кундалик ҳаётга, ишлаб чиқаришдаги етилган барча муаммоларга бошқача кўз билан қарай бошланди. Энди юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай ўз хўжалигимиздаги ишларнинг аҳволини ўзимиз яхшилаб олмасак, биз учун буни ҳеч ким қилиб бермайди.

А. АБДИСАМАТОВ,
Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

1988 йил 2 август куни Совет Иттифоқида «Протон» учирувчи ракета билан Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—1961» учирилди. Йўлдошга космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар, тўлқинининг сантиметрли диапазонида ишловчи телеграф-телефон ахборотларини ретрансляция қилиш учун экспериментал аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда.

Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

«Ташпромстрой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи ишлаб чиқариш биноларини тезроқ фойдаланишга топшириш учун курашмоқда. Суратларда: тажрибали бригадир Николай Корниенко (чапда). Бригада болалар ўйинчоқлари фабрикаси объектларини қуришда фаол иштирок этяпти. Ўнгда — коллектив бунёд этган саноат объектларидан бири.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

• *Зарбдор қурилишлар—«Совет Ўзбекистони» назоратида*

Катта йўлдаги жиддий тўсиқлар

Шўрдарё тезроқ битишини айниқса, олотликлар сабрсизлик билан кутишмоқда. Чунки Олотда ер ости зах сувлари сатҳи кескин кўтарилиб кетяпти. Аму-Қорақўл канали район марказидан нақ етти метр баландликдан ўтади. Вақтида чала-чулпа бетонлаштирилган канал Олот шаҳри ерларини сизот сув билан таъминловчи ассий «манба»дир. Сизот сувларни Оролга олиб кетувчи Шўрдарёнинг дастлабки навбати тезроқ ишга тушса, бу ердаги ер ости зах сувлари сатҳи кескин камаяди. Зонадаги ўсимликлар ҳалокатдан сақлаб қолинади.

Ҳозир трассада аҳвол қандай?

Ёмонжар массивида вахта усулида меҳнат қилаётган Анатолий Сингелеевич бошлиқ экскаваторчилар душанба кун ташвиши билан яшамоқдалар. Участка бошлиғи Р. Бобоев трансформаторни кўчирувчи кўтарма кранли машинани топмаган бўлса, янги ҳафтанинг дастлабки кунидан бошлаб мажбурий ҳолда бекор туришга тўғри келади. Одимловчи улкан экскаватор юқори кучланишли ток билан ишлайди. Унинг кабели эса 20 метрдан ошмайди, демак экскаватор ҳар смена 40 метрдан силжиганда ҳам ҳафта ўтмай трансформаторни кўчиришга тўғри келади. Бунинг учун саҳрога мослашган махсус кўтарма кран-экскаватор керак. Лекин кўчма колоннада бундай техниканинг ўзи йўқ. Областдаги бошқа ташкилотлар раҳбарларини муросага келтириб, 2-3 кунга кўтарма кранларни «қарз»га олиб, бир нави иш юритилмоқда. «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари 39-механизациялашган кўчма колонна ихтиёрига кўтарма кран ажратиш тўғрисида берган ваъдаларига ҳам тўрт ойдан ошиб кетди.

— Мана уч ҳафтадирки, — деди экскаваторчилар бригадаси аъзоси Владимир Ишбаев, — автолавка бизни етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламаяпти. Бизга хизмат кўрсатувчи 14-ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи Ж. Ғаффоров эса бепарво.

— Икки йилдан буён вахтадагиларга медицина ёрдами кўрсатиш қониқарли эмаслиги ҳақида гап-сўз бўлмоқда. Ишчилар кўчма колоннада бундай техниканинг ўзи йўқ. Областдаги бошқа ташкилотлар раҳбарларини муросага келтириб, 2-3 кунга кўтарма кранларни «қарз»га олиб, бир нави иш юритилмоқда. «Главсредазирсовхозстрой» раҳбарлари 39-механизациялашган кўчма колонна ихтиёрига кўтарма кран ажратиш тўғрисида берган ваъдаларига ҳам тўрт ойдан ошиб кетди.

— Мана уч ҳафтадирки, — деди экскаваторчилар бригадаси аъзоси Владимир Ишбаев, — автолавка бизни етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламаяпти. Бизга хизмат кўрсатувчи 14-ишчилар таъминоти бўлими да, — деди суҳбатни давом эттириб бригада аъзоси Н. Хидиров. — Ўтган йили бульдозерчи Михаил Горенштейн саҳрода юрак · тутқаноғидан вафот этди... Вагончаларда яшаб меҳнат қилаётганларга дастлабки медицина ёрдами кўрсатадиган медпункт ташкил қилиб бериш ҳамон чўзиляпти.

Шўрдарё трассаси қурилишида ишлаётганлар саҳро бўйлаб, 30-40 ҳатто 100 километр бир-биридан олисликда сочиб ташланган. Саҳродагилар Олот шаҳри ўртасида рация алоқасини йўлга қўйиш керак.

Албатта, вахтадагилар катта ҳаётдан бутунлай узилиб қолишгани йўқ. Вагончаларда радио-телевизор бор. Лекин кундалик вақтли матбуот, бадиий адабиётлар йўқ. Олот район маданият бўлимига қарашли агитпоездлар, автоклублар Шўрдарё трассаси қурилишида ишлаётганларга қорасини ҳам кўрсатмайди. Район марказий поликлиникаси врачлари, район матлубот жамияти автодўконлари, «Билим» жамияти лекторлари марказдан 30-40 километр олисда — Ёмонжар массивида кечаю кундуз меҳнат қилаётганлар аҳволидан хабардор бўлишни ўзларига эп билишмайди.

Ҳолбуки, Шўрдарё трассаси қурилишида саҳро қийинчиликларидан чўчимай меҳнат қилаётганлар Нодир Хидиров, Владимир Ишбаев, Александр Сингелеевич, Арсен Исоқов, Асқар Эргашев, Рамазон Қутлиев, Музаффар Шарипов, Ботир Қурбонов, Абдулла Рустамов, Рўзимбой Қурбонов, Ниёз Чориев каби юзлаб марди майдонлар аслида олотликлар ташвиши билан яшамоқда.

Уларга зарур шароитни яратиб бериш жуда муҳим.

И. САФАРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Шўрдарё канали қурилишидаги мухбирлар пости аъзоси.

• *Мавзуга қайтиб*

«МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛСА...»

Мақоламиз бир олий ўқув юрти муҳокамасида

Газетамизнинг 11 март сонида берилган шу сарлавҳали мақолада олий мактабни қайта қуриш жараёнида ҳал этилмаётган, бироқ ечимини кутаётган муаммолар хусусида фикр юритилган эди. Редакцияга шу мақола юзасидан хатлар келиб турибди.

БОШ МЕЗОН

Олий таълим ислоҳотига мувофиқ, студент-ёшлар билан яккама-якка ишлашни янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Шу маънода лекция ва семинар машғулотларини баҳс, мунозара тарзида ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга.

Студент-ёшларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришда, уларни сиёсий жиҳатдан етук, ватанпарвар ва интернационал руҳда тарбиялашда ижтимоий фанлар асосий роль ўйнайди. Бу фан ўқитувчилари ҳам ҳозирги кунда ўқиш-ўқитиш ишларини янада такомиллаштириш, студентларнинг марксизм-ленинизм классиклари асарларини, партиянинг сиёсий ҳужжатларини чуқур ўзлаштириб олишлари учун лекция соатларини камайтириб, семинар машғулотларини кўпайтирмоқдалар. Улар билан дарсдан ташқари яккама-якка ишлар олиб боришнинг янги-янги формаларини қўллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Аммо ижтимоий фанлардан дарс бераётган айрим ўқитувчилар партия ва ҳукуматимизнинг олий таълимни ислоҳ қилиш, студентларнинг ўз-ўзини бошқариш сиёсатини амалда қўллаш пайтида айрим хатоликларга ҳам йўл қўймоқдалар.

Самарқанд давлат университети марксча-ленинча философия кафедрасининг доценти Ш. Қўшоқов биология факультетининг 2 курс студентлари билан диалектик материализм фанидан «Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни» темаси юзасидан семинар машғулоти ўтказишни дублер-студент В. Мамазаровга топширган. Тўғри, ўқитувчи дублер-студентга мазкур тема бўйича қандай тайёргарлик кўриш, асосий масалаларни ўзлаштириш бўйича батафсил консультация берган. Лекин дарс ўтказишни бошдан охиригача талабага топшириб, ўзи пассив тингловчи сифатида ўтирган. Бу Самарқанд область «Ленинский путь» газетаси «Дублерга қайси баҳони қўямиз?» сарлавҳали мақоласида «янгилик» деб баҳоланди.

Мақола жамиятшунос ўқитувчилар ўртасида қизғин баҳсга сабаб бўлди. Ахир кечагина ўрта мактабни битириб келган, ҳали олий таълим муаммоларини чуқур англаб ололмаган 2-курс студентига табиатшунослик, гуманитар фанларнинг умумий методологияси ҳисобланган диалектик материализмдан мустақил дарс ўтишни топшириш мутлақо нотўғри. Муҳими шундаки, диалектик материализмдан семинар машғулоти ўтказиш ниҳоятда мураккаб ҳисобланади.

Бўлажак биолог-мутахассисга ижтимоий фанларни ўқитиш методикасини ўргатиш, уларда шу фан бўйича кўникмалар ҳосил қилдириш зарурияти бормикан? Фикримизча, мазкур кўникмаларни ижтимоий фанлар соҳаси бўйича мутахассис бўлаётган студентларга тўлароқ сингдирилса айни муддао бўлади. Чунки, бўлажак жамиятшунос студентнинг олий мактабда олган билими унинг кейин методик жиҳатдан пухта дарс ўтишига замин ҳозирлайди.

Агар ижтимоий фанлар ўқитувчиси студентларнинг семинар машғулотларида активлигини оширмоқчи, уларнинг диалектик фикрлаш қобилиятини янада жонлантирмоқчи бўлса, кичик-кичик саволларни ўртага ташлаб, бутун группани баҳсмунозарага чақирмоғи лозим. Шунда барча студентларнинг эмоционал фикрлаш қобилияти активлашиб, муҳокама қилинаётган масаланинг моҳиятини, мағзини чуқур англаб олиш мумкин. Зотан, Москвада бўлиб ўтган ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида ҳар бир дарсни монолог асосида эмас, балки сиёсий диалог, жонли баҳс-мунозара тариқасида ўтиш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди.

Ижтимоий фанлардан семинарни асосан пахта эгаллади. Тўғри, кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ижобий ўзгаришлар қилинди, Бироқ аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда эса кескин ўзгариш бўлгани йўқ. Ўзбекистон, айниқса бизнинг Фарғона областимизда серўт яйловлар деярли йўқ ҳисобида. Ҳар йили колхоз ва совхозлар қўйларини юзлаб километр олисдаги Олой тоғлари, Чотқолга олиб боришга мажбурлар. Ем-хашак масаласи ҳам жуда тиғиз. Қизиғи шундаки, мана шундай шароитда Ўзбекистонда ёғ-мой комбинатларида ишлаб чиқариладиган шелуха ва кунжарани асосий қисми республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилади. Агар ана шу тўйимли чорва озуқаларининг бир қисми ўзимизда қолдирилса, қўшимча 25-30 минг тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони тўғиларди. Менимча иттифоқ органлари олдига мана шу масалани кескин қўйиш пайти келди.

Қулай иқлим шароитларига эга бўлган серқуёш республикамиз аҳолиси мевачевани худди шимол бозорларидаги каби нархларда сотиб олаётгани билан келишиб бўладими? Боғлар, ўзумзорлар, сабзавот-полиз экинлари майдонларини кенгайтиришимиз зарур. Лекин бунда бошқа майдонларни кескин қисқартириш ҳисобига эмас, балки пахта ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш эвазига эришишимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳозир ҳамма ерда партиямиз конференцияси қарорларини амалга оширишга қизғин киришилди. Шундай экан, вужудга келган муаммоларни, жумладан мен юқорида қайд этган муаммоларни ҳал этишнинг пайти келди. Зеро, конференциядан сўнг кундалик ҳаётга, ишлаб чиқаришдаги етилган барча муаммоларга бошқача кўз билан қарай бошланди. Энди юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай ўз хўжалигимиздаги ишларнинг аҳволини ўзимиз яхшилаб олмасак, биз учун буни ҳеч ким қилиб бермайди.

А. АБДИСАМАТОВ,
Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси.

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Мақолада дилимиздаги гаплар айтилибди. Лекциялар соатини бирмунча камайтириш ҳисобига студентларнинг мустақил ишлашини ташкил этишни амалга ошириш формалари ҳақида кўпдан бери мунозара юргизаётган эдик. Мақолада кўрсатилган лекция-консультация формаси бу борада анча илғор тажриба сифатида диққатга сазовордир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, олий мактаб ўқитувчиларининг матбуотда ўз тажрибалари билан шундай чиқишлари жуда фойдали. Педагоглар ҳамкорлигини амалга ошириш йўлларидан яна бири олий таълим педагогикаси, психологияси ва методикаси масалалари ёритиладиган ҳафталик ёки ойлик нашрни йўлга қўйишдир. Боиси, олий ўқув юртларининг таълим-тарбия соҳасида олиб боратётган изланишлари ҳамда илғор тажрибаси ҳақида бошқа жойлардаги ҳамкасабалар ҳеч нарса билишмайди. Партиянинг бутун халқ маорифи системасини қайта қуриш ҳақидаги талабини бажаришда эса сустқашликка йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун илғор тажрибаларни оммалаштириш лозим.

Маълумки, олий ўқув юртида дарслар кўпинча бир қолипда олиб борилади. Ўқитувчи лекция ўқийди, студент конспект ёзади. Ёзганларини фақат сессия арафасида ўқиб чиқади. Бундай ўқитиш ва ўқиш мустаҳкам билим бермайди. Бу камчиликдан қутулишнинг йўли таълимнинг янги методларидан, жумладан, проблемали лекциядан фойдаланиш ва ўқув йили давомида студентларни дарс жараёнига активжалб қилишдан иборат. Шуни ҳисобга олиб, лекцияларни цикларга бўлдик, шу асосда саволлар туздик. Семинар машғулотларида кўриб чиқилгач, студентларга олдиндан бериб қўйилган саволлар бўйича суҳбат ўтказилади. Талабаларнинг суҳбат ва семинар машғулотларидаги иштироки, семестр давомидаги фаоллигига қараб, ҳатто айрим студентлар имтиҳондан озод этилади. Бу ҳақда университет ректорининг ҳам кўрсатмаси бор.

Мақолада кўтарилган яна турли саволлар сўраши, янги ўқув планларини ишлаб чиқишлари мумкин.

Олий маълумотли ёш мутахассислар тайёрлашни яхшилаш мақсадида ўқув жараёнини ўзгартириш ва янада яхшилаш учун ҳали кўп ишни амалга ошириш керак. Бир қанча олий ўқув юртлари (Тошкент политехника институти, Фарғона политехника институти) ўқиш даврида йиллик ишлаб чиқариш практикасини қўлламоқдалар, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини яхшиламоқдалар, асосий эътиборни касбга йўналтириш ишига қаратмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олимларнинг ва олий ўқув юртлари илмий-методик кенгашларининг қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича кўплаб таклиф ва мулоҳазаларни ўрганмоқда.

РАСМИЙ ЖАВОБ

Мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигидан (собиқ) расмий жавоб олинди:

Олий ўқув юртлари илмий-педагогик коллективлари ташаббусларини ривожлантириш, ўқув жараёнида уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришда олий ўқув юртлари илмий-методик кенгашлари, илмий кенгашларига янги ўқув жараёнига ўтишни ташкил этишда қўшимча ҳуқуқлар берилган. Унда аудитория машғулотларини қисқартириш эвазига ўқитувчилар назоратида студентларнинг мустақил ишини кучайтириш кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда барча олий ўқув юртлари кафедралари ўз ихтисосидан келиб чиқиб, региондан мутахассислар таклиф этиши, корхона ва муассасалардан битирувчилар тўғрисида маълумотлар, шунингдек мақолада қайд этилганидек, бир муаммо — мактаб билан олий ўқув юртининг алоқаси ҳақидаги фикр ҳам бизга маъқул бўлди. Университет битирувчиларининг асосий қисми мактабга ишга юборилади. Шуни ҳисобга олсак мавжуд ҳамкорлик биз учун ҳам, мактаб учун ҳам, етарли эмас. Талабаларимиз фақат мактабда ўтказилаётган педагогик практика билан чекланиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Самарқанддаги 52-ўрта мактабда тарих кафедрасининг филиалини ташкил этдик. Мактаб директсияси билан факультет деканати ҳамкорлик ҳақида шартнома тузишди. Бунга кўра олимлар мактаб ўқитувчиларига илмий-методик ёрдам кўрсатишади, мактабда эса ўз навбатида студентларнинг узлуксиз педагогик практикасини ўтказиш учун шароит яратади.

Бундай ҳамкорликнинг дастлабки натижаси шуни кўрсатдики, мактаб 5-курс талабаларидан бирининг диплом олишини ҳам кутмасдан ўз коллективига уни қабул қилди. Шуни таъкидлаш лозимки, бу ишлар ҳозирча жамоатчилик асосида ўтказилмоқда. Олий ўқув юрти билан мактаб ҳамкорлигини янада жонлантириш учун, олий мактаб педагогларининг бу ишга нисбатан масъулиятини ошириш учун уларнинг бу соҳадаги фаолияти маълум соат сифатида иш соатига киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шу билан бирга олий мактаб педагогларининг ўрта мактабга бориб дарс беришни рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайман.

Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат университети тарих факультетининг ўқитувчиси.

Дунё воқеалари

Хабарлар оқимидан

● **БОНН. ГФР озиқ-овқат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министри Игнац Кихле Совет Иттифоқига қилган визити якунларига юқори баҳо берди.** Министрлик матбуот хизмати бу ерда тарқатган хабарда У СССР-га қилган сафаридан жуда ижобий таассуротлар билан қайтганлиги таъкидланади.

Министр Совет Иттифоқида ГФР билан, жумладан, озиқ-овқат саноати соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қараётганликларини мамнуният билан қайд этди, дейилади ҳужжатда. Визит давомида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги алоқаларни кучайтириш, тажриба айирбошлашни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

● **ДАМАШҚ. Ғазо секторидаги фаластинлик қочоқларнинг хон Юнус лагерида босқинчилар «Си-эс» типидаги кўздан ёш оқизувчи заҳарли газ тўлдирилган гранаталарни яна ялпи ишлатдилар.** Ўнлаб намойишчиларнинг нафас олиш йўллари ва кўзлари оғир жароҳатланди. Қуролсиз кишилар оккупацияга қарши норозилик намойишига болалари билан биргаликда келган эдилар. Аммо бу ҳам Исроил солдатларини фаластинликлардан ваҳшийларча ўч олишдан тўхтатиб қололмади. Намойишни тарқатиб юбориш чоғида етти ойлик Нидал Юсуф Амир нафас ололмай, онасининг қўлида нобуд бўлди.

● **ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Рональд Рейган Кипр республикасининг президенти Георгиос Василиу билан учрашди.** Учрашув давомида бир масала —«ана шу мамлакатни бирлаштириш тўғрисида БМТ ҳомийлигида музокара ўтказиш ҳақида»ги масала муҳокама қилинди, деб хабар қилди Оқ уйнинг расмий вакили Марлин Фицуотер. Музокаралар 24 август куни Нью-Йоркда, БМТ қароргоҳида бошланади. Унда Василиу ҳамда Кипрдаги турк жамоаси раҳбари, ўзини «Кипр турк федератив давлатининг президенти» деб атаётган Рауф Денкташ қатнашади. Бундай давлатни Туркиядан ташқари дунёдаги бирорта давлат тан олган эмас.

Ўн кунлик визит билан АҚШга келган Кипр президенти вице-президент Жорж Буш билан ҳам учрашиб, Кипр муаммоси хусусида у билан батафсил суҳбатлашди.

● **НЬЮ-ЙОРК. БМТ мустамлакачиликни тугатиш махсус комитети ҳозирги вақтда ҳамон сақланиб турган мустамлака территорияларида юз берган аҳволни кўриб чиқишга киришди.** БМТнинг мазкур органи қабул қиладиган қарор БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак 43-сессиясининг мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш, иркчилик ва апартеидга қарши кураш масалаларига доир резолюциясига асос бўлади.

Мажлисда сўзга чиққан СССР вакили Дмитрий Быков Тинч океандаги БМТ васийлигида бўлган ороллар (Микронезия) территориясида АҚШ «ҳамдўстлик» ва «эркин уюшма» мустамлакачилик статусини тиқиштириб, уни БМТ контроли остидан чиқаришга, ўзининг ҳарбий сиёсий плацдармига айлантиришга уринаётганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

ҚАЛБАКИ НАРСАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Париждаги энг катта кўргазма залларидан бирида уч ой мобайнида ана шундай номдаги ғайритабиий кўргазма ишлайди. Бу кўргазмада бутун жаҳонда тўпланган салкам икки минг маҳсулот ва санъат асари — қалбакидир.

Картье фирмасининг бундай экспозицияни ташкил этишига барча асос бор: 80-йилларнинг бошларида жаҳон бозорида Картье фирма маркаси туширилган 2 миллиондан ортиқ сохта соат бўлган. Нусха аслидан 8 марта кўпдир. Фирма жаҳоннинг турли бурчакларида 1500 суд процессини олиб боришига тўғри келди.

Қалбаки маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳозир айниқса авжига чиқмоқда. Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили 100 миллион долларлик шундай моллар сотилмоқда.

Минглаб маҳфий агент сирли жиноятчиларни қидириш билан шуғулланмоқда. Бутун жаҳонда эътироф этилган фирма маркасида пул ишлаб олмоқчи бўлган кишиларнинг янги адреслари ҳар куни топилмоқда. Кўргазма экспонатлари орасида АҚШ магазинлари ҳар йили олаётган «Эппл» фирма маркаси туширилган 200 минг мўъжаз компьютерда бири ҳам бор. Унинг ҳақиқий ишлаб чиқарилган жойи эса Яқин Шарқдир.

Сингапурда машҳур «Лекот» фирма маркаси туширилган кўйлаклар ва ичмачсумкалар одатдаги баҳосидан 10 баравар арзон сотилади.

Кўргазма ташкилотчилари жамоатчилик эътиборини аслидан кўпинча ажратиш қийин бўлган қалбаки нарсаларни яратиш муаммосига қаратишни истамоқдалар.

(АПН).

ФИТНА ФОШ ҚИЛИНДИ

ДЕҲЛИ, 2 август. (ТАСС). «Деҳли полициясида гурдаспурлик кўпгина сикхлар хизмат қилади. Уларнинг орасидан Ражив Ганди билан Бута Сингх қаерга боришини кузата оладиган бир неча кишини танлаб олишингиз керак. Шундан кейингина биз уларни гумдон қиламиз». Бу сатрлар сикх сепаратчиларининг Покистондаги марказидан Ҳиндистоннинг Панжоб штатидаги террорчи гуруҳларидан бирининг бошлигига юборилган инструкциядан олинди. Ҳиндистон махсус хизмат маҳкамаси қўлига тушган ушбу ҳужжатнинг айнан нусхаси бугун «Таймс оф индиа» газетасида эълон қилинди. Бу ҳужжат Бош министр Ражив Ганди, ички ишлар министри Бута Сингх ҳамда мамлакат бошқа раҳбарларини ўлдиришни кўзда тутувчи фитна мавжудлигининг янги далилидир. Сепаратчиларнинг террорчилик фаолиятини кучайтиришга даъват этувчи бошқа ҳужжатлар ҳам эълон қилинди.

Ҳиндистон хавфсизлик кучларининг самарали ҳаракатлари туфайли Ҳиндистон раҳбарига суиқасднинг олди олинди. Бироқ Панжобни Ҳиндистондан зўрлик билан ажратиб олиб қўғирчоқ «Холистон давлати» тузишга уринаётган миллатга қарши унсурлар қонли ҳуружларини давом эттирмоқдалар.

Социал-иқтисодий соҳада халқ фаровонлигининг энг зарур муаммоларини жадал ҳал этиш жуда муҳим вазифадир.

Аввало, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотини анча яхшилашга эришиш керак. Бу жуда катта социал-сиёсий масаладир.

(КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги резолюциясидан).

КАРТОШКА МУАММОСИ

РЕСПУБЛИКАДА УРУҒЧИЛИКНИ ОҚИЛОНА ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БИЛАНГИНА БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Кейинги пайтларда республикамизда картошканинг камайиб кетганлиги, унинг нархи бозорларда ошиб кетаётганлиги ҳақида кўп гаплар бўляпти. Редакциямизга меҳнаткашлардан картошка нега бунчалик тақчил бўлиб қолганлиги сабабларини сўраб хат-хабарлар келиб турибди.

Демак, кўпчиликни картошка етиштиришни кўпайтириш муаммоси ташвишга солмоқда. Биз қуйида республикамизда картошка етиштиришнинг камайиб кетиши сабаблари ҳақида тўхталиб ўтиш билан бирга уни янада кўпайтириш, эл дастурхонига керакли миқдорда етиб боришига имкон бермаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр юритамиз.

Ҳар куни дастурхонимизга тортиладиган таомларнинг кўпчилигини картошкасиз тасаввур қилиш қийин. Уйимиздаги картошка тугаса рўзғоримиз ночорлашиб қолгандек туюлади. Кўп-кўп ишлатилиб турилгандан кейин тез-тез келтирилиб турилиши ҳам керак-да! Лекин юқорида таъкидлаб ўтилганидек, уни ҳосилдан пайтда кераклича олиш имконияти бўлмаяпти.

Буни Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раиси ўринбосари Маҳкам КАМОЛОВ қуйидагича изоҳлайди:

— Тошкент шаҳрида бундан бир неча йил бурун қаттиқ зилзила бўлиб ўтгани ҳаммамизга аён. Табиий офат натижасида зарар кўрган шаҳримизни тиклашга бошқа ерлардан жуда кўп бунёдкорлар келишди. Улар шаҳримизнинг замонавий, кўркам бўлиши учун қўлларидан келган барча ишни қилдилар. Пойтахтимизнинг ер майдони қарийб икки баравар кенгайди. Шунга яраша аҳоли сони ҳам кескин ошиб кетди. Лекин ҳосил бериб турган унумдор ерлар анча камайди.

Бундан ташқари республикамиздаги айрим раҳбарлар пахта етиштириш ҳажмини оширишга пайда бўлиб мева, узум, сабзавот ва картошка етиштиришни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Пахтазорлар кўпаяверди-ю озиқ-овқат экинлари майдонлари ва тайёрланаётган ялпи маҳсулот ҳажми камайиб кетди. Суғорма деҳқончиликни ривожлантириш, бир майдондан икки, ҳатто уч маротаба ҳосил олиш мумкин бўлган бизнинг қулай шароитимизда мева, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари нархи Сибирдагидан фарқ қилмай қолди. Биологик нормага кўра ҳар бир кишига йилига 45 килограммдан картошка лозим бўлгани ҳолда республикамизда бу кўрсаткич атиги 10 килограммга тўғри келаётгани ҳам тармоқни кескин кўтариш лозимлигини кўрсатмоқда.

Кўпинча картошка таъминотидаги етишмовчиликни қоплаш мақсадида фақат бошқа қардош республикалардан маҳсулот ташиб келтиришни кўпайтиришга бўлган интилишга асло қўшилиб бўлмайди. Бу билан муаммони ҳал этиш қийин. Масалани оқилона ечишнинг бирдан-бир йўли ўзимиздаги ички резерв ва имкониятларни ишга солишдир. Булар нималардан иборат?

Маълумки, Тошкент атрофида ҳам бошқа жойлардаги сингари савзавот, картошка етиштириладиган ерларга бир неча ўн йиллардан бери бир хил экин экиб келиняпти. Алмашлаб экиш, гўнг оборотини бутунлай қўлланилмайди. Турли йўллар билан ерларни интенсивлашга мажбур қиляпмизу, лекин унга ҳеч нарса бермаяпмиз. Оқибатда тупроқда гумус моддаси камайиб кетди. Касаллик ва зараркунандалар тарқалиб, уларга қарши самарали воситалар қўлланилмаётир. Шу сабабли картошка экилаётган ерларда ҳосилдорлик тобора камайиб кетяпти. Ҳатто сарф қилинган уруғликни ололмаётган хўжаликлар бор. Хўжалик ҳисобини жорий этиш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтилаётган ҳозирги шароитда бунга йўл қўйиб бўлмайди, албатта.

МУХБИР ШАРҲИ:

Республикамизда картошка етиштиришнинг камайиб кетишига асосий сабабларидан бири—уруғчиликка эътиборнинг сусайиб кетганидир. Хўжаликларда етарли миқдорда уруғлик тайёрланмайди. Асосан четдан келтирилаётганига кўз тутиш одат тусига кириб қолган. Ҳар йили республикамизга 100 минг тонна атрофида уруғлик картошка келтирилади. Уларнинг ҳаммаси районлаштирилган навлар эмас. Масалан, ўтган йили районлаштирилган 6 нав ўрнига 25 хил нав уруғлик олинди. Уларнинг кўпи жойларда тайёрлаш, ортиш, туширишда йўл қўйилаётган пала-партишликлар туфайли хўжаликларга уриниб, эзилиб етиб боради. Хўжаликларда эса картошкани сақлайдиган махсус омборхоналар йўқлиги сабабли у баҳоргача турмайди. Натижада, четдан уруғлик ташиб келтиришдан республикамизда йилига 8 миллион сўм зарар кўрилмоқда. Шундай экан, яқин муддат ичида уруғлик фондини Ўзбекистондаги хўжаликларда етиштиришни йўлга қўйиш лозим. Хўш, бунинг иложи борми!

— Бор, — дейди республика «Сортсемовощ» бирлашмаси директори Н. Хўжаев. — Лекин бунинг учун бир қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Ҳозир республикамиздаги картошка уруғчилиги билан шуғулланадиган колхоз ва совхозларнинг аксарияти бу ишга масъулият билан ёндашмаётир. Бу хўжаликларга аввало, элита уруғи етказиб бериш тўғри йўлга қўйилмаган. Ҳосил етиштиришда навнинг ўзига хос хусусиятлари, тупроқ, иқлим шароитлари ҳисобга олинмади. Парвариш пайтида агротехника қоидалари қўпол равишда бузилди.

Бунинг устига тайёрланган уруғлик қатъий ҳисобга эмас. Ленинград қамали пайтидаги воқеаларни акс эттирувчи кинолента кадрларини эсланг. Жуда оғир пайтлар. Одамлар очликдан қирилиб кетяпти. Нон йўқ. Бир хўжаликда бир неча тонна уруғлик дон бор. Уни айрим кишилар вазиятни баҳона қилиб, одамларга олиб бермоқчи бўлишади. Лекин хўжалик раҳбари ўз сўзида қаттиқ туриб олади. У: биз бу дон билан озгина кишинигина вақтинчалик асраб қолишимиз мумкин, аммо кейинчалик минглаб одамларнинг умрига зомин бўлишимиз аниқ, дейди. Вақт унинг ҳақлигини кўрсатади.

Минг афсуски, кўплаб колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳозир бу оддий ҳақиқатни тушунишмаётир. Жойларда маҳсулот етиштирилаяпти. Дурустгина ҳосил ҳам олинмоқда. Лекин келгуси йил учун сифатли уруғ ҳозирлашга келганда муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйиляпти. Куз пайтида «Бунча уруғлик ҳозирлаб қўйдик», деб маълумот беришади-ю экиш пайти келганда омборларида ҳеч вақо бўлмайди. Ана шундан кейин хўжалик раҳбарлари, мутахассислар уруғ сўраб қаерларга боришмайди, дейсиз. Баҳорда эса четдан сифатли уруғлик олиш қийин. Дуч келганини келтиришга мажбур бўламиз. Бунинг устига қиш бўйи жойларда сақлаш, транспортда ташиш харажатлари қўшиб ҳисобланганда бир килограмм уруғликнинг баҳоси 70-80 тийинга тўғри келади. Картошкакорлар эса етиштирилган ҳосилнинг ҳар килограммини ўртача 20-21 тийиндан сотишади. Бу билан рентабелликни таъминлаб бўладими? Аҳвол шу тариқа давом этаверса, тармоқнинг юксалиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

МУХБИР ШАРҲИ:

Ўтган йили кузда Ўзбекистонга бошқа республикалардан 93,6 минг тонна уруғлик картошка келтирилди. Уруғлик хўжаликларида эса 8,2 минг тонна шундай картошка тайёрланди, холос. Кейинчалик республика Давлат агросаноат комитети, «Сортсемовощ» бирлашмаси, «Главсредазирсовхозстрой» мутахассислари ва Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти илмий ходимлари томонидан текширилганда, уруғлик картошканинг анчагина қисми чиқитга чиқиб кетганлиги ва бошқа ҳар хил мақсадлар учун ишлатиб юборилганлиги аниқланди.

Олтинкўл районига келтирилган 246 тонна уруғликдан 55 тонна, Москва районида 240 тоннадан 128 тонна, Боёвут районида 146,3 тоннадан 33,5 тонна қолган. Бухоро областида четдан келтирилган 1331 тонна картошканинг 80 проценти район агросаноат бирлашмалари мутахассислари ва хўжаликлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида чиқитга чиқиб кетди, бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилди. Умуман, республика бўйича турли сабабларга кўра 21 минг тонна уруғлик йўққа чиқди.

Қўриниб турибдики, картошкани кўнгилдагидек сақламаслик ёки сақлай олмаслик оқибатида уруғликнинг қанчадан-қанчаси чиқитга чиқмоқда. Бунга картошка сақлайдиган махсус омборхоналарнинг озлиги сабаб бўлмоқда.

Агар баҳор ойлари охирларида бозорларга тушсангиз, шахсий томорқа хўжалиги эгалари йирик, бир текис, сифатли картошка сотишаётганининг гувоҳи бўласиз. Уларда махсус музлатадиган омборхоналар бўлмаса, уруғликни қандай сақлаши мумкин, деган савол хаёлингизга келиши, табиий. Гап шундаки, бу картошкалар аввало, четдан келтирилмаган. Ўзимизнинг шароитимизда етиштирилган ҳосилдан, холос. Қолаверса, улар сақлашга ҳосилнинг энг сарасини, уринмаганини танлаб олишади, ахир!

Лекин республикамизнинг турли иқлим шароитларида ҳам мўл ҳосил берадиган картошка навлари кам. Яқингача истиқболли навларни яратишга даъват этилган илмий муассасаларнинг айрим олим ва мутахассислари иқлими қуруқ ва иссиқ шароитимизда картошкадан юқори ҳосил олишнинг иложи йўқ, деб ҳисоблашарди. Шунинг учун ҳам маҳаллий навлар яратиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳозир республикамизда атиги икки хил нав—бундан қарийб чорак аср муқаддам яратилган «Обидов» ва 5-6 йил олдин юзага келган «Зарафшон» навларигина экиляпти. Қолгани эса фақат четдан келтирилмоқда. Хўш, бошқа республикалардан келтирилган уруғликни сақлаш қийин, бунинг устига унинг нархи етиштирилган ҳосилдан анча қимматга тушаётган экан, олимлар маҳаллий навларни кўпайтиришга нега эътибор беришмаяпти?.

Бу саволга Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг директори А. НУРИДДИНОВ шундай жавоб беради:

— Дарҳақиқат, илгари Ўзбекистон шароитида айрим зоналардагина картошкадан юқори ҳосил олиш мумкин, деб ўйлашарди. Лекин илмий изланишлар, миришкорлар тажрибаси бу фикрлар асосли эмаслигини кўрсатди. Иқлими бизникидан ҳам иссиқ бўлган Ҳиндистонда ҳозир ҳар гектар ердан ўртача 180 центнердан картошка етиштириляпти. Республикамизда эса бу кўрсаткич 100 центнерга ҳам етмайди. Буни биринчи навбатда уруғчиликнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Иттифоқимизда ҳозир 200 хилдан ортиқ нав экилмоқда. Бизда эса юқорида айтилганидек, ҳозирча районлаштирилган иккита нав мавжуд. Институтимиз колхоз ва совхозларга ҳосилдорлиги юқори, сифати яхши, мўл ва барқарор ҳосил берадиган, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали кураш воситаларини вужудга келтириш борасидаги ишлар ҳозирча талабга жавоб бермаётир. Ана шу муаммолар ҳал этилсагина, эл дастурхони мўл, арзон, сифатли картошка маҳсулотлари билан тўкин бўлишини таъминлаш мумкин.

РЕДАКЦИЯДАН:

Кўриниб турибдики, республикамизда картошка етиштириш, айниқса, хўжаликларни етарли миқдорда уруғлик билан таъминлаш масаласи ночор аҳволга тушиб қолган. Лекин тармоқни ривожлантириш, аҳолининг картошкага бўлган талабини яқин йиллар ичида тўла қондириш зарур. Бу — давр талаби. Аҳволни ўнглаш учун аввало уруғчиликни тўғри йўлга қўйиш лозим. Колхоз ва совхозларда етарли миқдорда уруғлик йўқлиги учун у катта маблағ ҳисобига четдан олиб келтирилмоқда. Бунга барҳам беришнинг йўлларидан бири — ҳар бир табиий зона учун маҳаллий шароитда мўл ҳосил берадиган уруғлик яратиш ва уни кўпайтириш лозим. Бунга қандай эришиладн?

Аввало тупроқ иқлим шароити бир-бирига яқин бўлган жойларда илмий муассасалар филиалларини ташкил этиш ва шу ерлар учун истиқболли навларни яратиб, уруғчилик хўжаликларида кўпайтиришни қатъий йўлга қўйиш керак.

Уруғчилик хўжаликлари қайси идорасининг қўлида бўлса—самараси яхши бўлади! — деган тортишувлар бўляпти. Айримлар «Сортсемовощ» бирлашмасида бўлғани маъқул деса, бошқалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиб, уларни шу бирлашмалар ихтиёрига бериш, шу билан янги нав яратишдан тортиб, то уруғлик тайёрлашгача бўлган жараённи бир қўлда жамлаш кераклигини айтишяпти ва ҳоказо. Биз бу фикрларнинг қай бири афзаллиги ҳақида ҳозир аниқ бир нарса айтишимиз қийин. Бу олимлар ва мутахассисларнинг иши. Нима бўлганда ҳам улар мўлим ишни орқага сурмай, уни зудлик билан ҳал этиш мақбул йўлларини топмоқлари, хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлашлари даркор.

Ҳозир республикамизда 1250 га яқин хўжаликда картошка етиштирилмоқда. Уларда бу экин учун 3 гектардан 550—600 гектаргача ер ажратилган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, катта майдонларга экилган картошка экинлари шу соҳани яхши биладиган кишилар қўлида. Бу ерларда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар бор. Озгина майдонда картошка етиштираётган колхоз ва совхозларда эса уруғчилик хўжаликларида кўпайтириш, агротехникасини ишлаб чиқиш ва колхоз-совхозларга етказиб беришимиз зарур.

Лекин колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари «Сортсемовощ» бирлашмаси ёки агросаноат комитетларидан ҳар йили уруғлик талаб қилавермай, вазиятдан чиқиш чора-тадбирларини кўришлари керак.

МУХБИР ШАРҲИ:

Маҳаллий шароитда ҳам яхши, мўл миқдорда картошка етиштириш мумкинлиги аллақачон илмий жиҳатдан ҳам, тажрибада ҳам исботланган. Ишловини ўрнига қўйиб, кўнгилдагидек ҳосил етиштирган, картошкачиликда рентабеллик даражасини ошириб боравётган хўжаликлар фаолияти бунга ёрқин мисолдир.

Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли, Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги», Риштон районидаги «Сўх», «Ленинград», Қўрғонтепа районидаги Фрунзе номли ихтисослаштирилган совхозларда гектар бошига 130—200 центнердан, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлинмоқда. Бу — маҳаллий шароитда картошкачиликни ривожлантиришнинг катта резервлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Демак, илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда омилкорлик билан иш юритиш, ташаббус кўрсатиб ишлаш керак.

— Илгари айрим кишилар Хоразм областининг иқлим шароити картошка етиштириш учун ноқулай, бу ерда мўлжалдаги ҳосилни олиб ҳам, тармоқ рентабеллигини таъминлаб ҳам бўлмайди, деб ҳисоблашарди, — дейди Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози директори Аҳмаджон АБДУЛЛАЕВ.

— Шунинг учун картошканинг асосий қисми бошқа республика ва областлардан олиб келинарди. Аммо совхозимиз деҳқонларининг тажрибаси бу гапларнинг асоссиз эканлигини кўрсатди. Хўжалигимиз 1983 йилдан буён зиммасига олган план ва социалистик мажбуриятларни муттасил ошириб адо этмоқда. Масалан, дастлабки йил биз ҳар гектар ердан пландаги 80 центнер ўрнига 102 центнердан ҳосил олган бўлсак, ўтган йили ёр кўрсаткич 142,3 центнерни ташкил этди. 1987 йилда картошкачиликдан 2 миллион 800 минг сўм даромад олдик. Хўш, бунга қандай эришилди?

Аввало, деҳқончилик қилиб, кишиларга ризқ-рўз улашаман, улар дастурхонининг тўкин бўлишига ҳисса қўшаман деган киши ўз касбини, ерни севмоғи, ардоқламоғи керак. Ер шароитини чуқур ўрганиб, экин парваришини шунга қараб, амалга оширмоғи даркор. Биз эришаётган муваффақиятлар — ер унумдорлигини оширишга ҳаракат қилиш билан бирга агротехника тадбирлари комплексини мақсадга мувофиқ ташкил этаётганимиз натижасидир.

Бизда алмашлаб экиш, гўнг оборотн, ерларни сифатли ҳайдаш алоҳида назорат остига олинган. Бу ишларни намунали уюштираётган айрим бригадалар гектар бошига 200—220 центнердан ҳосил олишга эришмоқдалар.

Тажрибага кўра, бизда эртаки картошкани 1 апрелгача, кечкисини 20 майдан 10 июнгача бўлган муддат ичида экилса, яхши ҳосил беради. Маълумки, иссиққа картошка ҳам яхши ўсмайди, мўл ҳосил ҳам тугмайди. Шунинг учун биз кечки картошкани эккач, 10—20 августгача суғормаймиз. Август ойида ҳаво ҳарорати бироз пасайиб, сув совигач, суғоришни бошлаймиз ва октябрь ойигача тупроқдан намни аритмаймиз. Шу йўл билан мўл ҳосил етиштиряпмиз.

Ҳосил етиштиришда минерал ўғитларнинг фойдаси катта. Аммо уларни ер шароитига қараб, мақбул нормада солиш керак. Тажрибадан маълум бўлдики, сохозимиз ерларида азотли ўғитларни камроқ, фосфорли ўғитларни кўпроқ қўллаш яхши самара бераркан. Азотли ўғитларни кам қўлланиш шўр ерларда ҳам мўл ҳосил олиш имконини беради.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.





ВАСХНИЛ ўсимликларни ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ Ленинград илмий-тадқиқот институтининг коллективи картошкани касалликлардан, бегона ўтлардан, зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқмоқда. Ҳимоя қилишнинг атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказмайдиган генетик, агротехник, химиявий ва бошқа усулларидан оқилона фойдаланиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Коллектив таклиф этган картошка уруғлик фондини сақлаш системаси чиқитга чиқишни икки-уч баравар камайтиришга имкон беряпти. 1986 йилда институт мутахассислари методик қўлланмаси ва тавсияларини қисман қўллаш Ленинград областининг бир қатор совхозларида яхши самара берди. Чунончи, 27 минг гектар майдонда сақлаш 39 минг тонна ҳосилни сақлаб қолишга эришилди. Бу 3 миллион сўмлик шартли соф даромаддир.

Суратда: илмий ходимлар биология фанлари кандидати А. М. Лазарев билан қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Г. А. Канонова Ленинград области хўжаликларидан келтирилган картошканинг қишда сақланиш ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

М. Блохин фотоси (ТАСС).

● **ФРУНЗЕ**

Лайлак районидаги «Арк» ирригация комплексининг артезиан қудуқларида энди бир томчи сув ҳам исроф бўлмайди. Бу ерда ер ости сув манбаларн автомат иш режимига ўтказилди. Бошқарув ва назорат этишнинг электрон системаси Қирғизистондаги энг катта гидротехника иншоотидан фойдаланиш режимини таъминлаш билан бирга, вазиятни ҳисобга олиб хўжаликларга қўшимча сув бершнинг мақбул йўлларини мустақил белгилайди. Сувни илгаригига қараганда икки марта кам сарфлаш натижасида суғориладиган ерларнинг намлигини етарли даражада сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлди.

Эндиликда деҳқонлар экин ҳосилдорлигини камида 20 процент кўпайтиришни мўлжаллаяпти. Автоматика ва телемеханика воситалари ҳозирнинг ўзидаёқ республика жанубидаги ўнта катта сув хўжалиги объектида жорий этилган.

● **ПАЛАНГА**

(Литва ССР).

Меъморий обидаларни таъмирлаш институти археологлари Болтиқ соҳилидаги машҳур курорт отчопарида қадимий манзилгоҳни топдилар. Қармоқтош тўрлар, қайиқлар, сопол идиш қолдиқлари бу ерда XI—XIII асрларда курш қабилалари асос солган балиқчилар посёлкаси бўлганлигини тасдиқлайди. Қарийб етти аср олдин рўй берган ёнғин изларн бу қишлоқни салб юришн қатнашчилари вайрон қилган, дейиш учун имкон беради. Бу — курорт территориясида кашф этилган иккинчи қадимий манзилгоҳдир. XVI асрда ҳозирги Калининграддан Ригa кўрфазигача чўзилиб кетган ҳар икки манзилгоҳни қум босиб қолган эди. Бу табиий ҳодисанинг сабабларн ҳозирча аниқланмаган.

● **РИГА**

«Красный Октябрь» агрофирмасининг барча бўлинмаларида — фермадан то кадрлар бўлимигача автоматлаштирилган техника жорий этилди. Кадрлар жой-жойига оқилона қўйилишини, ем-хашак, энергетика ресурсларн ва моддий ресурслар тежалишини талаб қилувчи хўжалик ҳисоби ёрдам сўраб, компьютерга мурожаат этишга мажбур қилди. Бўлажак ўрнм-йиғимда автомат бошқариш системаси туфайли бу ерда қабул пунктларнинг ортиқча тўлдириб юбормай, картошка ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларнини қайта ишлашга бир маромда юборнб туришни мўлжалламоқдалар.

(ТАСС).

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

«МЕҲМОНДЎСТЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК»

Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтаётган К. Бекниёзов редакциямизга йўллаган хатида «Известия» газетасининг шу йил 12 февраль сонида босилган «Ураллик саёҳатчиларнинг Ўзбекистондаги барча ноқулайликлари ёки ғаройиб саргузаштлари» сарлавҳали мақолани ўқиб: «Биз солдатлар бошқа ўлка ва республикалардан келган йигитлар олдида уятга қолдик», — деб ёзади. Шунингдек, мактубда Ўзбекистондан борган ёшлар рус тилидан қийналишаётганн хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Ушбу мактуб юзасидан ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда шундай дейилади:

— 1988 йил 12 февралда «Известия» газетасида босилган мақола кўриб чиқилди. Мақолада баён этилган фактлар тўғри.

Мақола Тошкент шаҳар пассажирлар автотранспорти бош бошқармаси, меҳмонхоналар хўжалиги бошқармаси кенгашларида, Ўзбекистон туризм ва экскурсиялар Совети коллегиясида муҳокама қилинди.

«Главташпассавтотранс» бўйича чиқарилган буйруққа кўра, туристларга хизмат кўрсатиш учун транспорт ажратишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун 12-автобус парки директори А. Багиняцга ҳайфсан эълон қилинди. 12-автобус парки бўйруғи билан директор ўринбосари Д. Сулеевга қаттиқ ҳайфсан берилди, навбатчи механик И. Ирисматов, ҳайдовчи А. Красноруцкийлар бир ой муддат билан ҳам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди.

Меҳмонхоналар хўжалиги бошқармаси буйруғи билан меҳмонларни қабул қилиб олиш ва жойлаштириш юзасидан етарли назорат ўрнатмаганлиги, меҳмонхона фонди қониқарсиз сақланганлиги учун «Зарафшон» меҳмонхонаси директори вазифасини бажарувчи Б. Обидовга ҳайфсан, номер фондини ўз вақтида тайёрлашни таъминламаганликлари ва меҳмонларга хизмат кўрсатишни паст даражада йўлга қўйганликлари учун навбатчи администраторлар Э. Салихова, Р. Бурдаларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Меҳмонхоналар фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмаганликлари, уларни қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланишини яхшилаш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмаганликлари учун ишлаб чиқариш-эксплуатация бўлими бошлиғи ўринбосари А. Яхинага ва брон бўлимининг катта инженери Ш. Акрамовага қаттиқ кўрсатиб ўтилди.

«Зарафшон» меҳмонхонаси бўйича чиқарилган буйруққа мувофиқ ходимлардан Ф. Пясик, Т. Бобоев, Г. Антонова, З. Борисова, Н. Бекташева, З. Исхановаларга қаттиқ ҳайфсан, номер фондини ўз вақтида тайёрлашни таъминламаганликлари ва меҳмонларга хизмат кўрсатишни паст даражада йўлга қўйганликлари учун Э. Салихова, Р. Бурдаларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Меҳмонхоналар фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмаганликлари, уларни қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланишини яхшилаш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмаганликлари учун ишлаб чиқариш-эксплуатация бўлими бошлиғи ўринбосари А. Яхинага ва брон бўлимининг катта инженери Ш. Акрамовага қаттиқ кўрсатиб ўтилди.

«Зарафшон» меҳмонхонаси бўйича чиқарилган буйруққа мувофиқ ходимлардан Ф. Пясик, Т. Бобоев, Г. Антонова, З. Борисова, Н. Бекташева, З. Исхановаларга қаттиқ ҳайфсан, фаррошлардан Ф. Августова, Р. Шиляевааларга ҳайфсан берилди.

«Зарафшон» меҳмонхонасида туристлар ва меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини яхшилаш мақсадида хоналар ремонт қилиниб, эскирган мебеллар ва бошқа жиҳозлар янгилари билан алмаштирилмоқда.

Танқидий мақола Ўрта Осиё темир йўл бошқармасида Тошкент темир йўл бўлимининг масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилинди. «Тошкент-пассажир» вагон депоси бўйича чиқарилган буйруққа кўра, депо бошлиғи ўринбосари Ф. Дадахўжаевга ҳайфсан берилди. «Дилором» туристик поезди бошлиғи, КПСС аъзоси В. Давидовский ва вагон депоси инструктори, КПСС аъзоси М. Ҳамроқуловаларнинг устидан тўпланган материаллар муҳокама қилиш учун партбюрога топширилди. Вагон проводникларидан Умаров, Мирҳайдаров, Собировлар пассажирлар ва туристларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишга ўтказилди.

Шунингдек, мақола область туризми ва экскурсиялар Совети коллегиясида ҳам муҳокама қилинди. Тошкент саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси директори В. Расулов ва унинг ўринбосари Р. Рихсиевлар маъмурий жазоландирлар. Хизмат вазифасини бажармаганлиги ва Пермь областининг Чусово шаҳридан келган бир группа туристларга тегишли ёрдам бермаганлиги учун туристик группа бошлиғи Л. Манжавидзега қаттиқ ҳайфсан берилиб, бошқа бўлимга ишга ўтказилди. Группа ишлари устидан назорат ўрнатмаганликлари учун туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш бўлими раҳбарлари ҳам жазоландилар.

Ўртоқ К. Бекниёзов «Совет Ўзбекистони»га ёзган хатида Ўзбекистондан хизматга чақирилган ёшлар рус тилидан билимлари етарли бўлмагани учун қийналаётганликлари тўғрисида ҳам ёзади. 1987 йилнинг сентябридан 1988 йил мартигача Киров ва Акмал Икромов районларидаги ўзбек тили мактабларида рус тилининг ўқитилиш ва ўсмирларнинг Совет Армияси сафида хизматга тайёрлаш ҳолати ўрганиб чиқилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг халқ маорифи Бош бошқармаси Тошкент шаҳридаги ўзбек тили мактабларида рус тилини ўқитилиш ҳолатини яхшилаш ҳамда ўқувчиларнинг рус тили бўйича билимлари сифатини ошириш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқди ва у 1987—1988 ўқув йили планига жорий этилди.

Рус тилини ўқитиш кучайтирилган мактабларда тажриба олиб бориш белгиланди. Биринчи тур 1988—1989 ўқув йилида Октябрь районидаги 41-ўрта мактабда ўтказилади. Иккинчи тур эса шаҳар районларидаги биттадан мактабда олиб борилади.

Рус тили ўқитувчилари учун методик ёрдам кўрсатиш мақсадида мунтазам равишда группа ва якка консультациялар уюштирилади.

Халқ маорифи Бош бошқармаси ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда рус тили ўқитишни ва ўрганишни такомиллаштириш юзасидан олиб бориладиган ишларни мунтазам давом эттираверади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни чоп этди.

Саъдулла Кароматов. «Бир томчи қон». Сайланма. Биринчи жилд. Ўзбек тилида. 417 бет. Баҳоси 1 сўм 80 тийин.


Ёзувчининг сайланма асарларидан иборат икки жилдлик бу китобининг дастлабкисидан «Бир томчи қон» қиссаси, «Олтин қум» романи ўрин олган.

Олим Отахонов. «Озод қушлар ҳақида қисса». Ҳикоялар. Ўзбек тилида. 144 бет. Баҳоси 40 тийин.

Китобга киритилган ҳикояларда инсон ички дунёси, ҳақиқат ва адолат йўлидаги кураш, руҳий изтиробларни, дил чироғини ёққан кишиларнинг орзулари қаламга олинган.

И. А. Мухторов. «Театр ва классика». Рус тилида. 176 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Китоб замонавий ўзбек театрида жаҳон классик драматургиясининг саҳнавий уйғунлашуви муаммоларига бағишланган.



Кўлда сайр. Ш. Иброҳимов фотоэтюди

ЗИЛЗИЛА МАРКАЗИ АФҒОНИСТОНДА

3 август куни Ўзбекистон пойтахти аҳолиси икки минутгача ер қобиғи тебранганлигини сезиб турди.

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2—3 балл куч билан бир қадар кўпроқ давом этган бу тебраниш зилзила ўчоғи ер қаърида чуқурроқ жойлашган олисдаги табиий офатнинг акс-садосидир. Тебранишнинг ўчоғи Тошкентдан 500 километр нарида Ҳиндикуш тоғларидадир. Сейсмик тўлқин Тошкентга маълум вақт билан соат 12 дан 44 минут ўтганда етиб келди.

Республикамизнинг каттагина территориясида ва Тожикистонда ер силкинди — Душанбе, Фарғона, Жиззах ва Самарқандда унинг кучи 2—3 баллга етди. **(ЎзТАГ).**

• *Суд залидан*

ЮТҚАЗИБ ҚЎЙИШДИ...

Қизилтепа районидаги «Октябрь 70 йиллиги» совхозининг ишчиси Х. Жўраев «Спортлото» ўйинига жуда берилиб кетди. Лекин, буни қарангки, ўзи орзу қилган ўша бешта ёки олтита рақамни топиш унга ҳеч насиб этмади. Бахтини бошқача йўл билан синаб кўрмоқчи бўлди. Фирибгарлик билан шуғулланди, карточкаларнинг «А» қисмини қалбаки йўл билан ясай бошлади. Навоийдаги 8075-марказий омонат кассасидаги аноқовлар бу қалбакиликни пайқашмади. Фирибгарнинг иштаҳаси кундан-кунга карнай бўлиб борарди. У ўзига ёрдамчилар ҳам топиб олди. «Узбекэлектроремонт» слесари У. Эгамбердиев, Навоий қурилиш бошқармаси кранчиси С. Каримов, Самарқанд областидаги ибн Сино номли совхоз ишчиси Н. Ғаффоров унинг ёрдамчиларига айланишди. Фирибгарлар ўзлари ясаган 39 та «Спортлото» карточкасини ўтказишга муваффақ бўлиб, 4 минг сўмга яқин пулни чўнтакларига уришди.

Табиийки, уларнинг бу жинояти ниҳоясига етди. Улар қора курсига ўтиришди. Фирибгарлар бошлиғи Х. Жўраев 5 йилга, С. Каримов 3 йилга озодликдан маҳрум этилди. У. Эгамбердиев ва Н. Ғаффоров шартли равишда 3 йил муддат билан мажбурий меҳнатга жалб этилдилар.

Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиб, давлатни алдашда жиноятчиларга имкон берган кишилар ҳам қаттиқ жазоландилар.

С. РУХМАЛЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ҚОМИТЕТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1988—1989 ўқув йили учун гидромелиорация техникумларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Луначарский шоссеси, Кольский переулоги, 1-уй)

кундузги бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, сув хўжалиги системалари қурилмаларидан фойдаланиш;

сиртқи бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси.

АНДИЖОН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Андижон области, Марҳамат шаҳри, Советская кўчаси, 1-«а» уй)

кундузги бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши, сув хўжалиги системалари автоматик қурилмаларидан фойдаланиш;

сиртқи бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши.

САМАРҚАНД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳри, Севастопольская кўчаси. 63-уй)

кундузги бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши;

сиртқи бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши.

СУРХОНДАРЁ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Сурхондарё, области, Қумқўрғон шаҳри, Стадион кўчаси, 20-уй)

кундузги бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

сиртқи бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

НУКУС ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(ҚҚАССР, Нукус шаҳри, Кукузякская кўчаси, 120-уй)

кундузги бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

сиртқи бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси.

УРГАНЧ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Хоразм области, Урганч шаҳри, Гурлан кўчаси, 1-уй)

кундузги бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши;

сиртқи бўлимга: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши;

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Гидромелиорация техникумларига 8-10-синф маълумотига эга бўлган шахслар, кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлганлар, сиртқи бўлимга — ёши чекланмаган тарзда қабул қилинадилар.

— Кундузги ўқишга 10-синф маълумотига эга бўлганлар 14 АВГУСТГАЧА;

— сиртқи ўқишга — 3 ОКТЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА; кечки ўқишга — 10-синф маълумотига эга бўлганлар — 15 СЕНТЯБРГАЧА техникум директори номига ўқишга қабул қилиш тўғрисида ариза ёзадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 4 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмида), медицина справкаси (086/У форма), амалий иш стажига эга бўлганлар, шунингдек, сиртқи бўлимга қирувчилар учун меҳнат дафтарчасидан, колхозчининг меҳнат дафтарчасидан кўчирма, саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ёки совхозлар, муассасалар томонидан ўқишга юборилганлар учун эса — ягона формадаги йўлланма, паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет ёки чақирилиш гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

8-синф маълумотига эга бўлган қабул қилинувчилар она тили (диктант) ва математика (оғзаки); 10-синф маълумотига эга бўлганлар — она тили ва адабиётидан (иншо) ва математика (оғзаки) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Кириш имтиҳонлари — кундузги ўқишга кирувчилар учун:

— ўрта мактаб бааасидаги группаларда — 15 СЕНТЯБРГАЧА;

— сиртқи ўқишга — 1 ноябрдан 15 декабргача ўтказилади.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: электронквант приборлари (ЭКП), ҳисоблаш математикаси;

доцентлар: линияли электр занжирлари назарияси (ТЛЭЦ), ҳисоблаш математикаси;

катта ўқитувчилар: олий математика, алоқа техникасида ўлчов;

ўқитувчилар: рус тили (3), чет тиллари (француз тили);

ассистентлар: электр алоқасида рақамли техника ва бошқарув системалари (ЦТ ва УСЭ), олий математика, сиёсий иқтисод, сигналлар узатиш ва нолинияли электр занжирлари (ТПС ва ТНЭЦ) назарияси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700087. Тошкент шаҳри, Е—87, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

5 август, жума куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ»

(комедия)

СПЕКТАКЛИ БИЛАН

20-МАВСУМ ОЧИЛАДИ.

Спектакль кеч соат 19.00 да бошланади.

Касса ҳар куни соат 11.00 дан ишлайди.


Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти коллективи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Қ. Қаюмовга отаси

Қаюм МУМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ОИЛА — МУҚАДДАС БИРЛИК

«Жароҳат» мақоласи [«Совет Ўзбекистони», 1988 йил, 23 февраль] юзасидан редакция икки юздан кўпроқ хат олди. Улардан айримлари газетанинг 4 ва 25 март, 15 ва 29 апрель ҳамда 11 май сонларида эълон қилинди.

— Поччам опам Зулхуморнинг қотили сифатида айбланиб, беш йил қамоқда ётиб чиқди. Лекин бу билан опамни ҳаётга қайтариб бўлармиди? Учала жиянним онасининг номини эшитса ўпкаси тўлади, — дея куюниб ёзади жомбойлик **Ҳ. Мўйсинова.**

Ғиждувон шаҳар медицина билим юрти талабаси **М. Йигиталиева** эса шу билим юрти талабаси Зиёдахон ўзига-ўзи ўт қўйиб юборганлигини, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоздан **Г. Ҳисомиддинова** қўшниси, коммунист Дилоромнинг ҳам шундай фожиали тақдирларидан ачиниб ёзадилар.

— Синглим Раъно Холмуродова эри, қайнона-қайнотаси билан тил тополмагач, узоқ давом этган оилавий можаролардан тўйиб, икки боласини олганча уйидан бош олиб чиқиб кетган, — дея хабар қилади Янгиқўрғон район Ульянов номли колхозда яшовчи **Т. Эшқобилова.** — Опам ва жиянларим ҳамон дом-дараксиз. Уларни қидириб топишда ёрдам сўраб, ички ишлар бўлимига мурожаат этдик. Афсуски, улар: «Қўяверинглар, ўзлари айланиб-айланиб,охирги қайтиб келишади», деб лоқайдлик билан жавоб қилишмоқда.

— Опам ор-номус қурбони бўлди, — деб бошланади Шовот район «Ленинизм» колхозида яшовчи **Д. Собировдан** келган хат. — У эри билан ажралиш тўғрисидаги суд мажлисидан чиқибоқ ўзини поезднинг тагига ташлаган, — давом этади хат автори. — Опам судьяга жуда-жуда ишонган эди. Оиламизни сақлаб қолади, деб умид боғлаган эди. Афсуски...

Бундай хатлар кўп. Улардан кўриниб турибдики, жойларда хотин-қизларнинг фожиали тақдирларига совуққонлик, бепарволик кайфиятлари ҳамон ҳукм сурмоқда. Бизни юқоридаги фактларга мазкур жойлардаги партия, совет ташкилотлари, ички ишлар бўлимлари, хотин-қизлар кенгашларининг муносабатлари жуда қизиқтиради.

Редакцияга келаётган хатларнинг аксарияти келинчаклардан. Уларнинг мазмуни асосан оилавий муҳитга бориб тақалади. Агар уларнинг ҳар қайсисини алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, у ёки бу шаклда, аммо мазмунан бир-бирини такрорлайди. Оилада қайнона ҳукмронлиги, ўғил ва келиннинг ихтиёри ўзида эмас, келин маошини қайнона «қоқиб олади». Келин ўзига зарур бўлган майда-чуйда нарсаларгача фақат қайнона ижозати билан харид қилади... Оқибат эр-хотин можароси, бунга қайсингиллар аралашуви, ўзига мустақил бўлмаган йигитлар фожиаси...

— Ялиниб-ёлвориб келинликка олишди-ю тўйдан сўнг ҳамма ваъдалари чиппакка чиқди, — дейди Комсомолобод районида яшовчи **С. Абдураҳмонова** ўз хатида. — Бу оила аъзоларининг таъбирича ишлаш ҳам, кўчага чиқиш ҳам гуноҳ. Фақат номозхон қилдиришга олмади, холос. Бошқа ҳаммасига эришишди. Опалари укаларига айтиб мени урдиришлари ҳеч гап эмас эди. Ҳаёт йўлдошим бўлган йигит эса ким нима деса шуни сўзига кириб, мен билан урушгани-урушган эди. Шу алфозда ўн ой бирга яшадик. Мен у билан ажрашиб кетганимга ҳафа эмасман. Лекин менинг ўрнимга бу хонадонга келадиган келинга ачинаман. Ахир ўз фикрига эга бўлмаган йигит аёлнинг шўри-ку?

Мана бошқа бир хат:

— Уч болам отасиз ўсяпти. Уларнинг етим бўлишида ўз айбимни қидираман. Лекин тополмайман, — деб ёзади Тошкентдаги 39-мактаб ўқитувчиси **Шоҳиста Валиева.** — Эрим Собиб Алиев Юнусобод массивидаги 17-кварталда жойлашган АЗС корхонасида диспетчер бўлиб ишлайди. Ойлиги 115 сўм. Ундан 58 сўм болаларга алимент юборади. Ўзига 45 сўм қолади. Шу пул билан у оиласини тебрата оладими? Бошқа даромади бўлса керак-да. Бизга камроқ тўлаш учун маоши оз ишга ўтиб олган...

Аёлнинг гапларида жон бор. Агар болаларнинг отаси Алиевнинг инженер-технолог эканини эътиборга оладиган бўлсак, у нега ўз касбида ишламаяпти? Хотинидан ажралган баъзи бир эркаклар ҳақиқатан ҳам собиқ оиласига моддий тақчиллик етказиш, ўч олиш ниятида кам маош ишларга ўтиб оладилар. Бу ҳам етмагандек, адресларини яшириб, қочиб юрадилар. Ишдан-ишга сакраб, орада ота-йайин узилишларга йўл қўядилар. Бу шуни кўрсатмоқдаки, йигитлар билан ҳатто оиласидан ажралгандан кейин ҳам тарбиявий иш олиб бориш керак. Қонун кучидан тўла фойдаланмоқ лозим. Оталик масъулиятидан улар ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайдилар.

— Келинчаклик аёл ҳаётининг энг ширин, энг мазмундор фаслидир. Бу давр аёл тақдирида муҳим роль ўйнайди, — деб ёзибди Бухоро давлат педагогика институти доценти **Тожи Қораев.**

Шундан сўнг хат автори эски бидъатлардан қалин масаласини қоралайди:

— Никоҳ тўйлари харажатларини фақат куёв томон кўтариши адолатдан эмас, дейди у. Бу ҳам қизларни хўрлашнинг, келинлик ҳуқуқларини оёқ ости қилишнинг бир кўринишидир. Никоҳ тўйлари ҳар иккала хонадон томонидан биргаликда ташкил этилса, тўй харажатлари икки ўртада тақсимланса мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда йигит билан қиз, қудалар ўртасида тенглик вужудга келади. Келинчаклар бошига тушаётган маломатларга шу каби тенгсизлик сабаб бўлаётган ҳоллар кўплаб учрамоқда.

Доцент Т. Қораев хотин-қизлар ҳаётида учрайдиган ноҳақликлар тўғрисида ёзар экан, у келинчаклар ҳаётидаги фожиаларга кўпроқ қайноналар сабаб бўлаётганига эътиборни жалб қилади. Айрим келинлар ўз жонига қасд қилишида айбдор бўлган қайноналардан бирортаси ҳам жазо олмаётганидан ҳайратланади. Ўғилларини келинларидан совутадиган, уларга қарши чархлайдиган қайноналарнинг аксарияти умрида ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашмаган, эскилик сарқитларига гирифтор бўлган, ғийбатчи, ҳудбин аёллардир, деб баҳолайди.

Ўз жонига қасд қилган кимсани ҳеч ким оқламаган. Хат авторлари ҳам Башоратга чин дилларидан ачинадилар, унинг тақдири, ҳаётига лоқайд эмасликлари сезилиб туради. Шу билан бирга уни иродасизликда айбламоқдалар.

Ўрта мактаб ўқувчиларидан **София Раҳимова** (Янгиқўрғон район, «Шарқ юлдузи» колхози), **Ойгул Ражабова** (Амударё район, Максим Горький номли совхоз) бошларига тушган оғир аҳвол билан ўртоқлашадилар. Ўзларига ёғдирилган туҳмат тошларини тоқат билан енгиб ўтганликларини ҳикоя қиладилар.

Хўжаликларда ишчи кучининг асосий қисми аёллар эканлиги сир эмас. Айниқса, пахтачилик бригадаларида қуннинг жазирама иссиғида тер тўкаётган хотин-қизлар меҳнати ниҳоятда оғир, иш ҳақи эса арзимаган 40—50 сўмни ташкил этади. Бизнингча, колхоз ва совхозларда меҳнатга ҳақ тўлашни тубдан қайта кўриб чиқиш ва адолатли ҳал этиш пайти келди.

— Маоши бирмунча дуруст бўлган қишлоқ ўқитувчилари учун дам олиш кунлари бўлмайди, — деб бошлабди ўз хатини Норин районидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси **Зайнаб Абдулҳақова.** — 5-10 кундан навбатма-навбат пахта теримига борамиз. Теримдан қайтиб келиб, яна пахтага кетганлар ўрнида ишлаймиз. Кечаси нон ёпамиз. Кечалари кир ювиб, овқат қиламиз. Баҳорда эса ипак қурти боқишга мажбур этишади. Эр-хотин мактабда ишлаймиз. Беш фарзандимиз эса ўқишади. Шундай экан, қуртга ким қарайди? 70 ёшли қайнонамга жабр эмасми? Шу ҳақда гапирсанг, колхоз раҳбарлари тушунишни исташмайди...

Болалар саломатлиги хавф остида қолаётгани Ургут район Карл Маркс номли колхоз аъзоси **Бегима Мансурованинг** қуйидаги хатида яққол кўринib турибди:

— Колхозда тамаки етиштирамиз. Олтита фарзандим бор, — деб ёзади у. — Болалар ишда катталарга ёрдам беришади. 6—7 ёшли болаларим билан даладан тамаки узиб келамиз. Саҳарлаб туриб яна тамакига борамиз. Шу зайлда ўн йилдан буён ишлаймиз. Тамаки заҳари туфайли жигар, ошқозон касаллигига йўлиқдим. 7-, 8-синфда ўқиётган болаларимнинг бири камқон, иккинчисининг жигари, ошқозони оғрийди. Оиламизда соғ одам йўқ десам, муболаға бўлмас. Болалар ўз вақтида дарс тайёрлаб улгуришолмайди. Уйқуга тўйишмайди. Мактабга борганда эса орқа партада мудраб ўтиришади. Нахотки, бунинг олдини олиш мумкин эмас. Хўжалик раҳбарлари қачонгача бунга томошабин бўлиб тураверадилар?

Мансурованинг эътирозлари ўринли. Онанинг ҳақли талабларига қўшилмаслик мумкин эмас. Болалар соғлигини асраш ҳамма нарсадан муҳим. Соғлиққа путур етказадиган меҳнат жараёнида болаларни қатнаштиришга ҳеч ким ҳаққи йўқ. Бу масалада ҳеч ким бефарқ қарамаслиги керак.

Газетхонларнинг хатларидан олинган қуйидаги факт у ёки бу даражада юқоридаги воқеага дахлдор кўринади: Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти бўлими студентларининг 97 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг сиҳат-саломатлиги медицина кўригидан ўтказилганда, студентларнинг бештасидан биттаси соғлом чиқди. Айниқса, битирувчи курс студентларининг соғлиги ёмонлиги аниқланди.

Уларнинг аксарияти қишлоқдан келган ёшлар.

Хўш, бу мисолларда юқоридаги она зорланиб ёзаётган турмуш шароитининг таъсири йўқ деб, ким айтолади?! Очиғини айтганда, қишлоқ хонадонларида болаларни эътибордан кам. Режимга, дам олишга риоя қилинмайди. Дам олиш уйлари, санаторийлар, пионер лагерларидан умуман фойдаланмайдиган оилалар талайгина. Ана шундай яшаш тарзи, албатта, носоғлом ўғил-қизларни вояга етказади. Ахир, бугунги қиз бола эртага она бўлади-ку!

Оилаларни планлаштириш ҳақида кўп гап бўляпти. Бу масалани аввало кўп болали оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш билан, она ва болаларнинг сиҳат-саломатлигини таъминлай оладиган барча омилларни ишга солиш билангина ечиш мумкин. Болажон халқимиз, жойлардаги партия, совет, жамоат ташкилотлари бу ҳақда қайғуришлари керак.

«Жароҳат» мақоласи чиқиши муносабати билан газетхонлардан келаётган хатлар орасида уй-жой танқислиги, кам маошлиликдан қийинчиликларга дуч келаётган ёш оилаларнинг ташвишлари, болаларини боғчага жойлаштира олмай ёки врач ёзиб берган дориларни тополмай сарсон юрган оналар шикояти, фарзандларидан тиниб-тинчимаган ота-оналар нидоси битилган хатлар ҳам бор.

Инсон яшар экан, у ёки бу борада қийинчилик, етишмовчилик, ташвиш бўлади. Ташвишсиз ҳаёт эса ҳаёт эмас. Ана шу қийинчиликларни енгиб чиққан одам ҳақиқий инсондир.

— Қамаши районида ўтган икки йил ичида аёлларнинг ўзига ўзи ўт қўйиши етти марта содир бўлди, — деб ёзади «Коммунизм тонги» район газетаси редактори **А. Бобоёров.** — Сўнгги қадамни танлаган еттита хотин-қиздан олтитаси ҳеч қаерда ишламаган. Райондаги хотин-қизларнинг тенг ярми ижтимоий фаол меҳнатга жалб этилмаган. Районда шундай қишлоқлар борки, хотин-қизлар мутлақо ишламайди, — хатида давом этади автор. — Бундай аёллар ўз-ўзидан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан турмуш ўртоғига қарам бўлади. Оила қобиғида ўралашади. Оқибатда оиланинг оғир-енгили, эр-хотин, қайнона-келин ўртасида ўтадиган аччиқ-чучук гаплар аёл «сабр косаси»ни тўлдириб юборади. Ахир инсон коллективда яхши-ёмонни кўради. Улар билан мулоқотда бўлади. Иродасини мустаҳкамлайди, камол топади.

Хат автори меҳнатда банд ҳотин-қизларнинг аҳволи ҳам қониқарли эмаслиги ҳақида куюниб ёзади. Пахта етиштиришда қуннинг жазирама иссиғида ишлаётган аёлларнинг олаётган арзимаган иш ҳақлари на қийим-кечакка ва на ош-овқатга етмаётгани ҳақида фикр юритар экан, хотин-қизлар орасидаги фожиаларга муҳтожлик ҳам сабаб эмасмикан, деган мулоҳазага боради.

Гап хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга, қайноқ ҳаёт ташвишлари ва қувончлари билан ҳамоҳанг яшашга жалб этиш ҳақида бораётган экан, меҳнат коллективларида инсон тарбиясига боғлиқ бўлган барча омилларни ишга солиш билан бирга жойлардаги маданият саройлари, клублар, лекторий ва кинопрокат ходимларининг аҳоли ўртасидаги таълим-тарбия, пропаганда ишларини янада жонлантириш керак. Қорақўл районидаги Октябрь колхозида яшовчи **Ж. Шодиева**нинг ёзишича районда атиги иккита халқ университети ишлар экан. Фориш районидаги «Фориш» совхозида яшовчи халқ маорифи аълочиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси **М. Назаров** жойлардаги партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари давлат планларини бажариш учун жон-жаҳдлари билан ёпишадилар-у лекин шу планларни амалга ошираётган одамлар ҳақида, айниқса, хотин-қизлар ҳақида кам қайғурадилар, деган ҳақли эътироз билдиради.

— Хотин-қизларнинг қадр-қиммати топталаётгани ҳақидаги фактлар кишини ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Бу борада турли маслаҳатлар бериб, мулоҳазалар юритишдан амалий ишга ўтиш вақти етмадимикин?!

Бу хат муаллифи ҳам ўқитувчи. Коммунист **К. Ҳакимов** Хўжаобод районидаги 48-мактабда ишлайди.

— Оила ва никоҳ қонунларини қайта кўриб чиқиш вақти келди, — деб ёзади Ҳакимов. — Қизларнинг турмушга чиқишида фақат биологик жиҳат ҳисобга олиниб, 17 ёш белгиланади. Ҳаёт бунинг у қадар тўғри эмаслигини исботлаяпти. 17, 18, 19 ёшли қизлар оила тебратиш, оналик қилишга ёшлик қилишяпти. Шундай экан, қиз ва йигитларнинг турмуш қуриш ёшини камида 20—21 ёш деб белгилаш тўғри бўларди. Шу билан бирга оила қурувчиларнинг ваъдаси жорий этилса, маҳалла активлари, ветеранлар, кумуш ва олтин тўй соҳиблари олдида бу ваъда ижро этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Қишлоқ, посёлка Советларида маҳалла комитетлари, район, шаҳар комсомол комитетларида, хотин-қизлар кенгашларида ёш оилалар билан ишлаш комиссиялари тузилиб, улар ҳар бир ёш оилани икки-уч фарзандли бўлгунча кузатиб бориб, уларга амалий, методик, маънавий ёрдам кўрсатиб боришса фойдадан холи бўлмасди. Бундан мақсад битта: оилалар мустаҳкам бўлсин, дориламон замонда ҳар бир оила ҳур яшасин, жароҳатларга ўрин бўлмасин.

Турмушда рўй бераётган жароҳатлар қайноналар қалбини ўртамаётганига, йигитлар нафсониятига тегмаётганига, жойлардаги хотин-қизлар кенгашларини оёққа турғизмаётганига жуда-жуда ачинамиз. Афсуски, шу мазмунда айтарли хатлар келмади.

Оилавий мулоқот — бу аввало, эр-хотин мулоқоти. Ҳаёт кун сайин ўзгариб, илгарилаб бормоқда. Афсуски, айрим йигитлар онгида бу борадаги ўзгаришлар жуда ҳам суст бораяпти. Ҳаёт оқимига қаршилик кўрсатаётган қайноналар ҳали кўп. Хотин-қизлар онги, маданий савияси паст.

Инсон ўзлигини унутмаслиги керак. У ўз ҳаётини, аввало ўзи қура билсин. Ҳаёт бор экан, меҳр ва багритошлик, шафқат ва мурувватсизлик, яхшилик ва ёмонлик содир бўлиб тураверади. Бу — ҳаёт қонуни. Бундай ҳаётий муаммоларга қандай муносабатда бўлиш ва улардан қандай хулоса чиқариш ҳар бир одамнинг онги, маънавий камолатига боғлиқ.

Оила — муқаддас бирлик. Унинг тинчлиги, шарафи ва равнақи учун ҳар ким ва ҳамма жавобгар.

Тўғри, оилаларнинг социал-маиший муаммолари, жумладан, яшаш шароити, моддий аҳволи, оналарнинг жисмоний ҳамда маънавий кўринишлари кишини қониқтирадиган даражада эмас. Яна бир ҳақиқатни эслатиш жоиз. Оилани мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири — чин муҳаббат, ўзаро самимий ҳурмат-эътибор. Бир-бирини кўриб, таниб, билиб, севиб, севилиб оила қураётган ёшларимиз кўп. Бу мустаҳкам оила заминидир. Лекин таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ота-оналарнинг хоҳиши билан турмуш қуриш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Очиғи, бундай оилаларнинг аксарияти барбод бўлмоқда.

Оилани мустаҳкамлаш ҳақида гап борар экан, ёшларнинг оила, турмуш қуришга физиологик ва психологик жиҳатдан тайёргарликларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу борада билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, таклифларни ўрганиб чиқиш лозим. Ёш оилалар билан ишлашни жиддий йўлга қўйиш керак. Ана шунда айрим йигит-қизларнинг ҳаётга енгил-елпи муносабатда бўлишларининг олди олинади.

Республика хотин-қизлари ўртасида содир бўлаётган ўз-ўзига ўт қўйиш, жонига қасд қилиш, умидсизлик ҳодисаларига очиғи, жойларда принципиал баҳо берилмаяпти. Бу партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, хотин-қизлар кенгашларининг лоқайдлиги ва ўтакетган бепарволиги туфайли содир бўлмоқда. Бундай фактлар аслида уларнинг масъулиятини ўн, юз карра оширишни керак.

Хотин-қизларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган муаммоларни зўр ғайрат билан ҳал этишга эътиборни қаратиш керак. Уларнинг жамиятдаги ва сиёсий турмушдаги роли оширилиши, онанинг обрўйи ва ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, авайлаб-асралиши, унинг ўз вазифаларини бажариши учун шароит яратилиб берилиши, ёш оилалар тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилиши керак, деб ўйлаймиз.

Дилбар МАҲМУДОВА.

Редактор ўринбосари **Т. НАЖМИДДИНОВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 3-серия — «Муваффақият» 4-серия — «Сургун йиллари». 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 — Янгиликлар. 12.30 — Руркино—Фасо тароналари. 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — «Мэри Поппинс, хайр». Бадиий фильм, 1-серия. 17.40 — Концерт. 18.15 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 — Рассом устахонасида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Мультфильм. 19.55 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 4-серия. «Сургун йиллари». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Флорар—88». 23.30 — Дунё воқеалари. 23.40 — А. Серов куйлайди.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Испан тили. 10.55 — Мультфильмлар. 11.35 — Испан тили. 12.05 — Болалар учун фильм. 13.15 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — «Квартет». Бадиий фильм. 14.50 — Янгиликлар. 15.00 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 7-серия. 16.10 — Музикали киоск. 16.35 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.10 — РСФСР халқ артисти О. Янковский. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 —Узоқ Шарқ. 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Сурайё». Бадиий фильм. 23.30 — Футбол. «Локомотив» — «Динамо» (К). Танаффусда — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Фильм-концерт. 16.25 — «Портлаган дўзах». Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 18.35 — Улкан мураккаб қирралари. 19.20 — «Тўй». Теленовелла. 20.00 —Ахборот. 20.20 — Долзарб вазифа. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Бой ила хизматчи». Бадиий фильм. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.35 — «Оддий юмушлар». Бадиий фильм. 20.50 — Реклама. 21.00 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ҳосил — 88». 22.25 — «Ўрмонда отилган ўқ». Бадиий фильм.

4 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Кўнгил тароналари. 9.30 — Эстрада миниатюралари. 9.45— Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — «Отлиқ аёл». Повестдан боб. 13.00 — Малиш. 13.30 — И. Шаферан шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.00 — Гидрометеорологлар учун эшиттириш. 15.40 — «Ҳасрат». Ҳикоя. 16.00 — Беш йилликнинг меҳнат суръатлари. 16.30 — Меҳнат ҳақида қўшиқлар. 18.15 — Фактлар ва уйдирмалар. 18.30 — Тожикистон санъат устолари ижро этади. 19.20 — Юность Узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — Оқшом тароналари. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р — 10881. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 177. ИНДЕКС 64583.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12